1982 йилда туғилган Қ. Алижон бу борада номақбул йўлни танлади. У Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида К. Владислав томонидан қаровсиз қолдирилган «ВАЗ-2109» русумли машинасини хайдаб қочди. Қўрилган чоралар натижасида автомашина Ўзбекистон кўчасида техник соз ҳолда топилди. Энди ҳуқуқбузар панжара ортга йўл оладиган бўлди.

ҚУЛПИНА МОМОННИНГ «МЎЛ ҲОСИЛИ»

Қашқадар вилояти Чироқчи туманида вилоят ИИВ ва МХХ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир пайтида Қоратеплак қишлоғида яшовчи нафақадор Қ. Қўлпинанинг уйи қўздан кендирилди. Момо томорқасида 2800 туп қўқнорини баравж парширлаётган экан. Шунингдек, мазкур хонадондан бор-баракка дея йигиб қўйилган 95 килограмма 700 грамм таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган қўқнор ўсимлиги далилий ашё сифатида олинди.

Энди Қўлпина момо ўзи еттиштирган «Мўл ҳосил» учун жаваб беришига тўри келади.

МОЛ ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида номақбул шахс Т. Рустамнинг молхонасидан 6 бош қорамолни ўғирлаб кетди. Қалаваннинг учини топиш қийин кечмади. Ушбу жиноятни жабрланувчининг маҳалладоши, 27 ёшли Т. Баҳодир содир этгани аниқланиб, ушланди.

Жониворлар эгасига қайтарилди-ю, қўни-қўшинчилик, қишлоқ-дошлик туйғуларига пўтур этгани чатоқ бўлди.

ҲУЖЖАТСИЗ ЮК

Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида яшовчи Т. Мухаммад «КамАЗ-53208» русумли юк машинасини туппа-тузук бошқариб кетаётганди. Аммо ички ишлар ходимининг тўхташ ҳақидаги ишорасидан кейин юраги безовта ура бошлади. ИИВ ходимлари томонидан «Лойиш» ЙПХ масканда тўхтайтилган бу машинада ҳеч қандай ҳужжатларсиз жами 9990 килограмм аммиак селитраси олиб кетилаётгани маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан дастлабки терговдан ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Норали ОЧИЛОВ, ИИВ ИХҚ ва ЮТВ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.

Гиёҳвандлик – иллат ОҒУЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

XXI асрда инсон ҳаёти учун энг хавфли иллат саналими наркотик моддалар бизнеси ҳамон ҳаракатда бўлиб турибди. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ИННДС) маълумотига қараганда, ўтган йили Афғонистонда қўқнорни олиши еттиштирилганидан майдон 198 минг гектардан 123 минг гектарга камайган. Шундай бўлса-да, бу оғу ҳосилдорлиги гектаридан 56 килограммга етган. Агар бу 2008 йилдаги курсатки билан таққосланса 158 фоиз кўпдир. Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, 2009 йилда ана шу давлатда 6900 тонна опиум ишлаб чиқарилган. Аввал тайёрланган шу маҳсулот захираси эса 10 минг тоннани ташкил қиларкан.

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи бу ажал уруғи юртимизга кириб келмаслиги учун барча чоралар қўрилмоқда. Хусусан, «2007 – 2010 йилларга мўлжалланган наркотик моддаларни сунистезмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар» дастури доирасида кенг қўламли профилактик ишлар олиб борилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирлар, айниқса кейинги ўтказилаётган тадбирлар, айниқса кейинги даврда яхши самара бермоқда. Айланма даврда яхши самара бермоқда. Айланма даврда яхши самара бермоқда. Айланма даврда яхши самара бермоқда.

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги заводлардан бирида 26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни сунистезмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш кўни муносабати билан давлатимиз


Абдусамий ҚОДИРОВ.



Профилактика хизмати

ЭЛ СЕВГАН ИНСПЕКТОР

Капитан Кодиржон Каримовнинг ички ишлар идораларида хизмат қилаётганига кўп йиллар бўлди. Унинг фаолияти асосан профилактика соҳасида кечди. Утган йиллар мобайнида бой тажриба тўплади, кўплаб шогирдлар тарбиялаб еттиштирди.



Шаҳрихон туманининг Дўлан қишлоғида профилактика инспектори вазифасида ишлаётганига ҳам икки йилдан ошяпти. Худуд аҳолисининг қувончу ташвишини яхши билди. Шунинг учун кўпнинг ҳурмати қозонган. Яхши-ёмон кунларда у хамиша эл билан бирга. Шу боисдан маҳалладошлари уни яхши кўришади. Ҳар бир ишни маслаҳатлашиб қилишади.

Милиця таянч пункти ҳузурида мебель цехи фаолият кўрсатади. Спорт тўғрисида болалар ва ёшлар гимнастика, кураш билан шуғулланишади, футбол, волейбол уйнашади. Иил бошидан буён қишлоқ ҳудудида бирорта ҳам жиноят содир этилмади. «Паспорт – виза» тadbiri чоғида паспорт тартиботи қоидаларини бузган 30 нафар фуқаро аниқланди. Уларнинг асосий қисмини амал қилиш муддати ўтиб кетган паспортларини вақтида алмаштирмаганлар ташкил этди. Қоидабузарлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳалла фаоллари ва посбонлари билан бирга аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот олиб боради. Хусусан, уларни одам савдоси жиноятининг қурбонига айланиб қолмасликлари ҳақида огоҳлантиришади. Капитан Каримов энг тажрибали ходимларимиздан. У доимо изланишда, ҳаракатда. Кун мобайнида қанчалаб фуқароларни қабул қилиб, кўплаб хонадонларни айланиб чиқади. Яна қанчалаб ўсмирлар билан суҳбатлашшига улгуради. Одамлар унга турли муаммолари бўйича мурожаат этишади. Чунки билишадими, қўлидан келган ёрдамни аямайди, дейди Шаҳрихон тумани ИИБ

ХООБ бошлиғи, капитан Зафарбек Асқаров. Қодиржон Каримов авваламбор ўзига талабчан, ташаббускор, қатъиятли. Ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳамкасбларига ёрдам беришга тайёр. Шунинг учун ёш ходимлар ундан йўл-йўриқ, маслаҳат сўрашади, ибрат олишга интилишади. Борис КЛЕЙМАН. Суратда: капитан К. Каримов маҳалла оқсоқоли Б. Алиқунов, фаоллар Д. Соёнов ва К. Мирзажонов билан суҳбатлашмоқда. Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат. Андижон вилояти.

Эрта тонгда қўшни қишлоқдан милиция таянч пунктига келган профилактика инспектори, капитан Маҳмадали Холтурраев ҳамкасби, капитан Алишер Қобиловни кўрди. Кеча Тузқон қишлоғида яшовчи Зулфқор ақанинг бир бош сизирини ўғирлаб кетишибди, – деди А. Қобилов. – Кечкурони келиб менга айтди. Шу заҳоти маҳалла посбонлари билан кидирув ишларини олиб бордик. Лекин натижа чиқмади. – Ундай бўлса яёлов ва адирларни кузатиш керак. Яқинда Янги қишлоғида яшовчи Қаҳрамон ақанинг ҳам икки бош қўйи ва бешта эчкиси, Қўға қишлоғида Қаҳҳор ақанинг ҳовлисида эса автомашинанинг эҳтиёт қисмлари йўқолди. Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Хойнаҳой ўғирлар бегона эмас, – деди олис чўққиларга кўз тикканча капитан М. Холтурраев. – Қишлоқнинг абжир йигитларидан тўрт-бештасини тўплаган. Икки гуруҳ бўлиб айланиб чиқамиз. Адирларда мол боқиб юрган чўпонларга дуч келсангиз уларга тайинланган. Бирорта бегона одам ёки машина кўришса, дарҳол хабар беришсин. Шу баҳона муқаддам судланганлар билан ҳам суҳбатлашиб оламиз. Профилактика инспекторлари тузилган режа асосида ишга киришиди. Дастлаб қишлоқ ва унинг атрофлари кўздан кечирилди. Тушлик вақтида эса гуруҳлар тоғли яёловларни назоратдан ўтказиб боради. Тонинг сўмоқ йўлида яёв юрган гуруҳлар вақт тушиқдан утган пайтда яёловнинг икки томонидан кириб келишиди. Шу

пайт йўлда энгил автомашинани пайдо бўлди. Орадаги масофа узоклиги учун на автомашинани, на хайдовчи ва йўловчиларни таний олдилар. – Айтидан меҳмонларга ўхшайди. Дам олгани келдими ёки бошқа нияти бормикан? – шеригига гап қотди маҳалла посбонларидан бири. – Қузатайлик-чи, – деди биринчи гуруҳга бошчилик қилаётган капитан Алишер Қобилов. – Би-

рота гуруҳ уларнинг ёнида пайдо бўлди. Ўғирлар жиноят устида қўлга олинди. Муқаддам содир этилган жиноятларни ҳам айнан шу шахслар амалга оширгани, боз устига, автомашинанинг давлат рақами сохта эканлиги тергов давомида маълум бўлди. Асли шахрисабзлик уч жиноятчи суд ҳукми билан тегишли жазага тортилди. Шу аснода худудда рўй берган тўрт жиноят профилактика инспек-

торларининг саъй-ҳаракати билан «иссиқ изида» фаш этилди. – Худудий жойлашувига қўра тоғли қишлоқлар Сурхондарё вилоятининг Сароиси тумани билан туташиб кетган. Ҳозир бу жойда «Қўқбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Ерта дара», «Қизилқишлоқ», «Чангак» маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда, – деди Катта ўра маҳалласи оқсоқоли Абдураҳмон Жабборов. – Мавжуд ўндан ортиқ қишлоқда йигирма етти минг нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Улар асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб, рўзгор тебратлади. Марказдан юз чакиримча масофада жойлашган бу қишлоқлар аҳолиси тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш Камаш тумани ИИБ ХООБ 192-ми-

ХАМИША ХУШЁР ҲАМКАСБЛАР

лиция таянч пункти профилактика инспекторлари, капитанлар Маҳмадали Холтурраев ва Алишер Қобиловлар зиммасида. Фаоллар билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Олти нафар муқаддам судланганлар ва тўртта жанжалкаш оила доимий эътиборда. Бу борада узок йиллар ички ишлар идораларида фаолият кўрсатган, истеъфодаги кичик лейтенант Умбар бобо Саломовнинг маслаҳатлари асқотаётганини таъкидлаш жоиз. – Бу заминда Ислам динининг намояндаларидан бири, етти иккимга маълум ва машҳур Ҳазрати Лангар ота – Муҳаммад Содиқ мақбараси бор. У зот тасаввуф илмининг барча босқичларини мукаммал эгаллаган. Мақбаранинг тепасидаги тўртта туғ бунинг тасдиғи, – дейди Лангар ота зиёратгоҳи раҳбари Нуриддин Ибодов. – Мустақиллик боси, муқаддас қадимжойга таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Баркамол авлод йили муносабати билан худуддаги умумтаълим мактаблари ва Камаш агробиизнес коллежида ҳуқуқий мавзуда давра суҳбатлари ўтказиш профилактика инспекторларининг иш режасидан ўрин олган. Бундан ташқари, диний экстремизм, гиёҳвандлик, турли норасмий оқимлар ҳақида ёшларга тушунақ бериб борилаётгани ижобий самара бермоқда. Ўсмирлар миллий кураш, футбол, волейбол, самбо тўғрисида фаолият кўрсатиш, жисмонан чиниқиб боришяпти.

Содиқ РАҲИМОВ. Қашқадарё вилояти.

«Ғалла – 2010»

ХИРМОНЛАР МЎЛЛИГИ

ҳар биримизга боғлиқ



Иқтисодийётимиз ривожига қишлоқ хўжалиги, хусусан, ғаллачиликнинг аҳамияти беқийс. Ғалла ҳосили етиштиришга шу нукта назардан ёндашилгани натижасида далалар дон-дунга тўлди. Аини пайтда ҳосилни йиғиштириш қизғин паллада.

Мавсумни кўнгилдагидек, беталафот ўтказиш, ҳосилни нест-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш ва қабул пунктларига етказиш мўл-кўнчилигимиз манбаидир. Бу бошқа соҳалар қатори ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига ҳам катта масъулият юклайди. Наманган вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Дон маҳсулотларини йиғиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида марказлашган тезкор штаб тузилди. Ҳар бир туманга малакали мутахассислар бириктирилиб, уларга ёрдамчи сифатида жойлардаги ғалла сақлаш омборларига ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилди. Қайд этилган иш режаси ва фармойиш барча қўйи тизимларга назоратга олинган ҳолда ижро учун юборилди. Бундан ташқари, жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкиллаштириш ва назорат қилиш мақсадида вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари туманларга хизмат сафарига жалб этилди. Мавсум бошланишидан аввал тизим ходимлари томонидан ғалла ўримида иштирок этадиган комбайнлар, дон ташиги мўлжалланган автотранспорт воситалари учун ўчиргичлар, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлангани ва уларнинг техник соғлиғи, шунингдек, дон қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш қорхоналарининг мавсумга шайлиги ўрганиб чиқилди. Ғалла ўриш комбайнларининг барчаси ёнғин ўчириш воситалари, яъни ёнғин ўчиргич, шолча, белкуррак, учкун тутгич, сурпури, сувли ситимлар билан тўлиқ таъминлангани, дон ташиги мўлжалланган автотомобиль ва трактор тиркамалари ҳам шундай ҳолатда эканлиги маълум бўлди. Ўрим жойларига ёнғинчи етказиб берувчи автотомобиль бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозланди. Бундай ҳолатлар барча туманлардаги ғалла ўриш ва дон ташиги мўлжалланган техникаларда мавжуд.

ни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш қорхоналарининг ёнғинга қарши ҳолати мониторинг йўли билан текширувдан ўтказилиб, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган ҳолатлар ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Албатта, ходимларимиз бу билан чекланиб қолмай, зиммаларидаги бурч ва масъулиятни англаган ҳолда мавсумда барча белгиланган талаблар амалга оширилишини таъминлашмоқда. Ғаллазорларни ва ҳосили йиғиб олинган майдонлардаги сомонларни ёқиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида хўжалик раҳбарлари ва ишчи-хизматчилар ўртасида тушултириш ишлари, давра суҳбатлари олиб борилди ва ҳозирги кунда ҳам бундай тартибот ишлари давом эттирилмоқда. Дала қорувуларни фаолияти устидан доимий назорат ўрнатиш ишлари тақомиллаштирилди. Бу ўз-ўзидан ўрим-йиғим мавсуми муваффақиятли ўтишига хизмат қилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, аксарият ҳолларда фуқароларимиз томонидан ғалладан бўшаган майдонларга иккинчи экин экиш мақсадида атайлаб ўт қўйиб юборилиши кўп кузатилади. Бундай ҳолат қўшни далаларга экинланган, ҳали ўриб улгурилмаган ғалла майдонларига ҳам хавф солади. Агар шу пайтда шамол бўлса, ёнаётган сомон ва поялар нафақат ғалла майдонлари, балки яқин-атрофда истиқомат қилувчи аҳолига ҳам таъсир қилиши аниқ. Қолаверса, ернинг унумдорлиги йўқолади, табиат ифлосланади. Дарахтлар ва ўсимликлар куриб қолиши, ҳатто аҳоли яшаш уйларида ҳам ёнғин чиқиш эҳтимоли кўчяради. Шу боис майдонларни тозалаш фақат шугорлаш орқали амалга оширилгани маъқул. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фуқароларимиз ва ғалла ўримида жалб этилган ишчи-хизматчилар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилсалар, ҳосилни ҳеч қандай талафотсиз йиғиштириб оламиз. Бу билан ҳар биримиз омборларимиз донга тўлишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Бойназар ДЕДАБОВ, Наманган вилояти ИИБ ЁХБ бошлғи, подполковник.

Хизматларда

ТУНУ КУН БЕДОР ҚАЛБЛАР...

Жамоат тартибини сақлаш, содир этилаётган жиноятлар тезкорлик билан фаш этилишида Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Вилоят худудидаги тadbirlar белгиланган тартибда ўтишини таъминлашга ички ишлар идораларининг барча соҳавий хизматлари жалб қилинган. Улар жойларда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлик қилишмоқда. ППХ ва ЖТСБ ходимлари ҳам тасдиқланган режага асосан Урганч шаҳар ва туман худудларида фаолият юритишяпти. Маҳаллалар, аҳоли гавжум жойларда хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий назорат ўрнатилган. Шунингдек, хизмат ходимларидан иборат махсус гуруҳ «Қорадори – 2010», «Тозалаш – Антитеррор», «Тун» каби кўплаб тadbirlarda фаол иштирок этишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ходимлар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир қилган 1190 нафарга яқин фуқарога нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, улар қонуний жавобгарликка тортилди. Яшаш жойининг тайини бўлмаган 82 нафар шахсга амалий ёрдам кўрсатилди. Кинология хизмати ходимлари ҳам юрт осойишталигини таъминлашдек муҳим вазифани шараф билан адо этишмоқда. Улар шу йилнинг ўтган даврида 502 маротаба воқеа жойига чиқиб, хизмат итлари ёрдамида 230 та жиноятнинг очилишида фаол иштирок этишди. Шу ўринда мисоллар келтирсак. Богот туманидаги Деҳқонбозор қишлоғида яшовчи, М. Абдулла ўз хонадонидagi хашак орасига 99 килограмм 830 грамм кўкнор ўсимлигини яшириб қўйганилиги ошкор бўлди. Унинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганда 10 грамм оний борлиги аниқланди. Шунингдек, ўша қишлоқда истиқомат қилувчи М. Нурулла ҳам 309 туп, яъни 7 килограммдан зиёд таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликни хашак орасида сақлаётгани маълум бўлди. Ушбу жиноятларни аниқлашда Богот

тумани ИИБ кинолози, сержант Неймат Искандаров ҳамда вилоят ИИБ ЙХБ кинолози, сержант Нейматжон Дурдиевлар ўзлари

га бириктирилган «Принц» ҳамда «Мухтор» лақабли хизмат итлари билан фаол иштирок этишди. Ҳар бир куннинг тинч ва осойишталигини таъминлашда ППХ батальони ходимларининг ўз ўрни бор. Улар зиммаларидаги масъулиятли вазифани чуқур ҳис этиб, содир этилаётган жиноятларнинг қисқа фурсатларда очилишида самарали хизмат қилишмоқда. Шу йилнинг 19 апрель кунини вилоят ИИБ навбатчиси Урганч туманидаги Чолиш қўрғони худудида «Тик» русумли автомашинани номаълум шахс томонидан ўғирланганилиги сабабли «Тўсиб ушлаш» тadbirlarни эълон қилди. Ўз хизмат вазифасини бажарётган ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 2-отряд ми-

лиционерлари, кичик сержант Дилшод Қурёзов ҳамда Шоҳрух Жабборовлар воқеа содир этилган худуддан Урганч шаҳрига чиқувчи барча йўللари назорат остига олишди. Ёш бўлса-да, анча хушёр бўлган бу осойишталик посбонлари ўғирланган автомашинани Урганч шаҳар 4-кичи даҳа худудида тўтатишди. Автомашинани ўғириса – урганчлик Қ. Умид ашёвий далил билан Урганч тумани ИИБга топширилди. 25 май кунини Аҳмаджон Юсуповга тегишли «Дамас» русумли автомашинадан 600 АҚШ доллари, 250 минг сўм пул ҳамда 2 дона нархи 500 минг сўмлик аёллар тилла узуги бўлган сумка номаълум шахс томонидан ўғирлаб ке-

тилганлиги ҳақида тезкор маълумот олинди. Урганч шаҳар марказий деҳқон бозори худудида ўз хизмат фаолиятини давом эттираётган ППХ батальони 2-отряд командири, капитан Худайбергян Аминов ҳамда гуруҳ командири, сержант Расул Юсуповлар содир этилган воқеа юзасидан тезкор тadbirlar олиб боришди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида урганчлик муқаддам судланган Р. Умид шун шун заҳоти ашёвий далил билан қўлга олинди. – Жамоат жойларида жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик зиммасидаги энг муҳим вазифалардан биридир, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, полковник Икром Атаев. – Шунини инобатга олиб, хизматга жалб қилинган ходимларнинг белгиланган худудлар бўйича ҳаракат қилишлари доимий таҳлил қилиб борилмоқда. Хушёрлик билан олиб борилган бундай саъй-ҳаракатлар натижасида жамоат жойларидаги жиноятлар кескин камайишига эришилди. Вилоят худудига ноконуний равишда олиб кирилаётган ҳамда олиб чиқиб кетилаётган товармоддий бойликларни аниқлашда хизмат ходимларининг ҳам хушёрлиги яққол сезилмоқда. Уларнинг тезкор ҳаракатлари туфайли шу кунгача 33 та ҳолат аниқланиб, 14 миллион сўмликдан зиёд товармоддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинди. Ҳа, юрт тинчлигини таъминлашдек муқаддас вазифани ўз зиммаларига олган бу осойишталик посбонлари кечани-кеча, кундузники кундуз демай хушёрлик билан хизматни давом эттиришмоқда. Худайбергян ЖАББОРОВ. «Постда» мухбири.



Суратда: вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 2-отряд милиционер хайдовчиси, кичик сержант Санжарбек Раҳмонов хизмат пайтида. Муаллиф олган сурат.

ЎҒРИНИ ТОПГАН «ТУМАН»

ратовнинг «Туман» лақабли хизмат ити жонжаҳди билан хид олишга уринди. – Изла, изла, бўш келма «Туман»! – дея уни ширин сўзлар билан сийлаб турарди катта сержант Орақбай Жумамуратов. Содиқ дўст эгасини уялтириб қўймади, бошини осилтириб, думини лиқиллатганча захаш томон югуриб кетди. Ходимлар унга эргашди. Ўғри изни яшириш мақсадида атайлаб молни захаш ичидан олиб ўтган эди. Энди уни чиқайтган қамишларнинг пайҳон бўлгани изни янада мустаҳкамроқ олишда «Туман»га қўл келди. Ниҳоят қалин тўронги

дарактлари орасида қизил рангли қорамол кўринди. Афсуски, унинг ёнида ҳеч ким йўқ эди. Ходимлар қулай пистирмага жойлашиб олишди. Чунки ўғри иккинчи молни ҳам шу ерга олиб келиши тахмин қилинган эди. Улар янглишмаган экан. Сал вақт ўтмай мол етаклаган одам кўринди. У атрофга олазарак қараб, жониворни даракта боғлади-да, уяли телефон орқали ким биландир гаплагани, молларни бозорга олиб чиқишга машина ёллади. Сўнг чуқур нафас олиб, лабига сигарет кистирди. Афсуски, уни чекишга улгурмади, чор-атрофдан пайдо бўлган ички иш-

лар ходимларини кўриб, хайратдан анграиб қолди. «Туман» уни беозор хидлар экан янглишмаганига яна бир бор амин бўлиб, одатий ақиллаб қўйди. Бу туман ИИБ кинология хизмати кинолози, катта сержант Орақбай Жумамуратовнинг фаолиятидан бир шинглик, ҳолос. Ўн йилдан бери мазкур соҳада самарали хизмат қилиб келаётган ходимга Нукус қишлоқ хўжалик коллежининг ветеринария бўлимида олган билимлари ҳамон қўл келмоқда. Чунки тўрт оёқли дўсти ҳам тирик жон. Унинг соғлиғига эътибор билан қараш, меҳр ила парваршиллаш хизматдаги ютуқлар омиллидир. Дурдийо худойшукуров. Қорақалпоғистон Республикаси.

Маърифат дарси

Жамиятнинг барқарор ва ҳар томонлама мутаносиб тараққиёттириш барча замонларда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Аҳолининг дунёқараши, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий маданияти, ижтимоий ва ижодий фаоллиги, сайловларда ўз манфаатларини яхшироқ, нисбатан тўлароқ ифода...

ганда инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан ҳамбарчас боланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутди. Шу фикрни маънавий давом эттириб, маънавият инсонни руҳан поклашни, қалбни уйлантиришга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодни бутун қиладиган, виждонини уй...

га муштараклик ва жипслик бағишлаб, турли таркибий қисмларини ўзаро бирлаштириб, маънавиятни амалиётга боғлайди. Эътиқод, энг аввало, шахс (жамоа, гуруҳ, жамият) томонидан миллий ва муайян гоғларга, баҳо ва меъёрларга иқтилолмасдан, шубҳа қилмасдан, қатъий ишонч асосида ҳосил бўлган энг муҳим ҳамда биринчи даражали ҳисобланган собит тушунчалар, умумқабул қилинган назариялар, қарашлардир. Уларни фаол ақлий, ҳиссий қабул қилиш, севиш, ихлос қўйиш, уларга ўз идеалларини, ижтимоий интилишлари ва амалиётини мослаштирувчи омил бўлиб, маънавиятнинг моҳиятини очиб берувчи тушунчалардан биридир. Демак, эътиқоднинг...

яшаши лозим. Шундай экан, инсон табиати тушунчаси ҳам, маънавият тушунчаси ҳам «инсоннинг яшашидан мақсади нима» деган масала ечими билан боғлиқ. Халқимизнинг асрий турмуш тажрибаси асосида шаклланган қудратли онгида мазкур саволга қуйидагича жавоб берилди: инсоннинг яшашидан мақсади – эзгу ишлар қилиб, муносиб фарзандлар тарбиялаб, яхши ном қолдиришидир. Ушбу содда ва ниҳоятда доно фикрдан келиб чиқиб, маънавият – бу инсоннинг эзгуликка йўналтирилган мақсадларига эришиш учун хизмат қилувчи ороу – ҳаваслари, ақл – заковати, билимлари, амалий фаолияти асосида ётган иродаси дейиш мумкин...

билан бир бутунлики ташкил этиб ўз муносибатларини уйғунлашувчи қуйидагича: шахс ва жамият томонидан ижтимоий борлиқни ўз фаолияти асоси ва объекти сифатида англаб олиниши (бу ҳолда маънавият дунёқарашнинг функционал жиҳати бўлади); шахснинг, миллатнинг муайян ҳулқ-атвори ва яратувчанлик фаолияти, борлиққа муносибати, борлиқни қайта яратиш ёки ўзгартириш бўйича ижодий режалари; бу режаларни амалга ошириш учун, биринчидан, шахс ва жамиятнинг қатъий эрк ва иродаси ҳамда, иккинчидан, жамиятда бўлган мақдурли шарт-шароит билан боғлиқлиги. Бундан инсоннинг табиати ва жамиятга ижодий таъсири маънавиятга, салбий таъсири эса ундаги камчиликлар...

ча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шундай юртиши туфайли маънавий ҳаёт олдиға қўйиладиган талаблар ҳам муттақил пайдо бўлаверадим», – деган пурмаъно фикрларда юртишимиз, жамияти-миз тараққиётини турли хил таҳдидлар, ҳавф – хатарлардан асрашда маънавиятнинг моҳияти, қуч – қудратини тушуниш исбот талаб қилмайдими. Маънавиятнинг моҳиятини ва ижтимоий вазифаларини қандай тушуниш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: миллатни муҳофаза қилиш; ўтмишга, бугунга ва келажакка оид ҳодисаларга баҳо бериш; бу ҳодисаларнинг мезонлари ва меъёрларини белгилаш; жамиятнинг ва алоҳида шахсларни муайян ҳаётий позициясини эгаллашга ундаш; миллатни тараққиётга, алоҳида шахсни тақомиллаштиришга рағбатлантириш; инсоннинг ўз шахсияти билан айниқатда яшашини, инсон табиатини ривожланиши, тақомиллаштириши таъминлаш; кишилар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар орқали муносибатларни тартибга солиш; инсоннинг табиат билан уйғунлигини таъминлаш. Маънавият инсон ва жамият тараққиётининг мезони ва айни пайтда унинг мақсадиридир.

МАЪНАВИЯТ – ИНСОННИНГ, ХАЛҚНИНГ, ЖАМИЯТНИНГ, ДАВЛАТНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИДИР

рени қамраб ололмайдими. Инсоннинг ҳаётта муносибати ривожланиши жараёнда унинг онги, айниқса, илмий, фалсафий, диний тасаввурлари бойиб боради, ўзгарди». Шу боисдан турли тарихий даврада яшаган кишиларнинг қарашлари, ижтимоий баҳолари ва мўлжаллари, қадриятлари ҳам нисбатан фарқ қилади. Онг тўлалигича маънавиятга кирмайди, чунки унда ўзгарувчан, муваққат, тасодифий ҳолатлар кўп учирайди. Онга ўткинчи кайфиятлар, эҳтирослар катта таъсир кўрсатади. Маънавият эса бир зумда ўзгариб қолмайди. У чўқур тарихий, маданий илдишларга эга экани тушунилади.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида маънавиятнинг кенг қўламли вазифалари, қудратли муҳофаза ва яратувчилик кучи: «Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди. Маънавиятнинг тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш керак, англаш керак», деб инсон ва маънавият муштараклиги, диалектик боғлиқлиги очиб берилган.

Яна шу асарда «...маънавият» тушунчасининг мазмунини фақат «маъна», «маъно» деган сўзлар билан чегараланиб қолмайди, деб уйландим. Нега де-

билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса экани эътироф этилган. Маънавият инсоннинг ижтимоий-маданий мажмуудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзаллиқни севиш, ундан завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби қўллаб асл инсоний ихлослари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир. Табиатда эса маънавият йўқ. Сабаби, биз ҳайвонот дунёси турлари, хиллари, насли ва бошқаларга қараб уларни одобли, диёнатли, нозик дидли, ҳудожий ёки виждонсиз, қуфр ботқоқига ботган дея олаймиз. Усимлик дунёсига қараб ушбу муносибатлар ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча.

Муштарак тараққиётнинг маънавий омилларини мустаҳкамлаш, улардан самарали фойдаланиш зарурияти эса маънавият тушунчасини ҳар томонлама таҳлил этишга тақозо этади. Маънавият жамиятга қарор топган етакчи гоғларга ҳамда кишиларнинг дунёқарашига, эътиқодига боғлиқ бўлиб у ондаги тасодифий, иккинчи даражали вақтинчалик ҳолат бўлиши мумкин эмас. У собит эътиқодга айланган, қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, жамиятдаги муносибатларни ва инсон хатти-ҳаракатини белгилашда ҳал қилувчи ўринга эга.

Эътиқод маънавиятнинг энг асосий устунларидан биридир. У маънавият-мизмунини илм ташкил қилади. Бундан илмисиз эътиқод йўқ, бўлиши мумкин эмас деган ҳулосага келинади. Инсоннинг ақли ва ижтимоий маънавиятнинг ҳисобга оласа, унинг онги ва қарашлари, эътиқодлари ҳамда интилишлари фақат жамиятда шаклланиши мумкинлигини англаймиз. Шахснинг ўзи ҳам, унинг онги ҳам, маданияти ва маънавияти ҳам ижтимоий ҳаёт ва муҳит маҳсуллариридир. Муҳит эса ҳеч қачон индивидуал-шахс муҳити бўла олмайди, у ҳаммаша ижтимоийдир. Инсоннинг табиатида эид эмас, балки мос



Исом Каримов ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЭНГИЛМАС КУЧ

маънавиятнинг таъриф ва тавсифлари қуйидаги тўрт ўзаро узвий боғлиқ таркибий қисмдан иборат: оннинг, дунёқарашини оламга фаол муносибат қилишидаги функционал жиҳати (ижтимоий онг шаклларида мувофиқ – фалсафий, диний, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий туйғулар, тушунчалар, баҳолар, қарашлар, назариялар); маънавий маданият ютуқлари (халқ озаки ижоди асарлари, қўшиқлар, достонлар, эртаклар, мақоллар, маталлар, халқ амалий санъати асарлари, адабиёт, архитектура, дизайн, тасвирий санъат, театр, кино, мусиқа, эстрада асарлари ва б.); фан, оммавий ахборот ва ташвиқот, таълим – тарбия ўзи ҳам, унинг онги ҳам, маданияти ва маънавияти ҳам ижтимоий ҳаёт ва муҳит маҳсуллариридир. Муҳит эса ҳеч қачон индивидуал-шахс муҳити бўла олмайди, у ҳаммаша ижтимоийдир. Инсоннинг табиатида эид эмас, балки мос

ва жоиз. Фалсафий ва диний таълимотларда бу саволга мурақаблашган ва келажак жавоблар берилди. Маънавият мақдур, таваққур тушунчалари мазмунан яқин бўлиб ва улар бир-бирларини тақозо қилади. Шу сабабли маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг қучига қуч қўшадиган, идрок ва ақл-заковатини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган воситадир. Маънавият ва маънавий бойлиқлар, қадриятлар давлатнинг, халқнинг, миллатнинг, жамиятнинг, айрим шахсларнинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир.

Маънавиятнинг таъриф ва тавсифлари қуйидаги тўрт ўзаро узвий боғлиқ таркибий қисмдан иборат: оннинг, дунёқарашини оламга фаол муносибат қилишидаги функционал жиҳати (ижтимоий онг шаклларида мувофиқ – фалсафий, диний, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий туйғулар, тушунчалар, баҳолар, қарашлар, назариялар); маънавий маданият ютуқлари (халқ озаки ижоди асарлари, қўшиқлар, достонлар, эртаклар, мақоллар, маталлар, халқ амалий санъати асарлари, адабиёт, архитектура, дизайн, тасвирий санъат, театр, кино, мусиқа, эстрада асарлари ва б.); фан, оммавий ахборот ва ташвиқот, таълим – тарбия ўзи ҳам, унинг онги ҳам, маданияти ва маънавияти ҳам ижтимоий ҳаёт ва муҳит маҳсуллариридир. Муҳит эса ҳеч қачон индивидуал-шахс муҳити бўла олмайди, у ҳаммаша ижтимоийдир. Инсоннинг табиатида эид эмас, балки мос

га боғлиқлиги маълум бўлади. Маънавиятнинг меъёрий характери бизнинг у ёки бу ҳаётий позицияни эгаллашимизни аниқлатади. Маънавият қанчалик бой ва ривожланган бўлса, унинг меъёрийлик ҳиссалари ҳам шунчалик эркин, бой ва рангбаранглик касб этади. Бой маънавият турлича фикрларни, қарашларни, ёндашувларни тақозо этади, аммо улардаги фарқлардан қатъи назар, албатта, ижтимоий фаоллиқни билдиради. Маънавият қанча қашшоқ бўлса, у шунчалик ақдударастликка мойил, турли ёқ қарашлар ва ёндашувларга муросали бўлиб, лоқайдлик қилишга ҳаракат қилади.

Юқоридагилардан маънавият субъектив ҳодиса – ақл ҳамда ирода сифатида борлиқнинг шунчаки акси эмас, балки дунёқарашнинг (кенгроқ қаралса онгинг) борлиққа нисбатан амалий муносибат шаклидаги фаолиятга айлангани эканини тушуниш осон. Маънавият объективлашган қадриятлар таъминоти (яъни маънавий маданият) сифатида эса миллатнинг ўз-ўзини англаш, ўз руҳини, иродасини ва онгини, ижтимоий амалиётини тақомиллаштириш имкониятларининг ва воситаларининг эришилган даражаси бўлиб, жамиятнинг маданий савиясидир. Қисқароқ айтганда, маънавиятда миллатнинг ақлий ва руҳий салоҳияти ҳамда ижодкорлик қобилияти юзага чиқади.

Маънавиятнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида Юртбошимизнинг «Чунки маънавият қотиб қолган ақллар айғиндисиз эмас, аксин-

Башариятнинг кўпмигиллик тараққиёт таърибаси шуни кўрсатадики, инсон фаол яратувчи, барқамол шахс бўлиши, яъни индивидуал, бошқаларда тақорланмас ўзига хосликларни миллий ва умуминсоний хусусиятлар билан ҳамбарчас ҳолда ўзига муржабасан этиши учун у аввало эркин ва ижодий фикрлайдиган, замонавий билимлари билан эгалланган, ташаббускор ва муштарак қарор қилаётган, ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўғри англаб, тўғри қондира оладиган, меҳнатсевар киши, яъни комиллика интилувчи инсон бўлиб шаклланишида маънавиятнинг таъсири бекиёсдир. Юксак маънавият, сиёсий, ҳуқуқий маданият, миллатнинг гоғвий ва мақдурли етуқлиги-юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим омилдир.

Халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган маънавият ва маданият, миллий гоғ жамиятдаги турлича фикр, қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга ва шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳамда бош гоғ – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қилади.

Акрам АКМАЛОВ, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими. Гулнәра ТҲРАЕВА, ТВПКҚТМОИ катта ўқитувчиси.

Хотира уйғонса гўзалдир

ДИЛКАШ ИНСОН ЭДИ



Ички ишлар тизимда кўп йиллар самарали хизмат қилиб, оқоимталлиқни таъминлаш йўлида ибратли фаолият кўрсатганлар кўпчилиқни ташкил этади. Улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Фидойи инсонлар бор экан, юртимизда тинчлик, оқоимталлик барқарорлиги давом этади. Марҳум подполковник Аваз Шодиев ана шундай дилкаш инсонлардан бири эди.

Аваз Шодиевнинг болалиғида Навоий шаҳар ИИБда ишлайдиган қўшниси, полковник Комил Ибрагимов (ҳозир нафақадда)га ҳавас қилиб, оқоимталлик посбонни бўлишни дилига тугиб қўяди. 1990 йилда Навоий вилоят ИИБга ариза билан муружат этган олғи маълумотли педагогини ҳар томонлама синовдан ўтказганлардан сўнг хизматга қабул қилинади. У хизматини Навоий шаҳар ИИБ вазирга етмаганлар билан ишлаш инспектори лавозимидан бошлади. Кейин Бухоро вилояти Когон шаҳар-туман ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳи қадрлар билан ишлаш, касбий ва жанговар тайёргарлик бўйича катта инспектор лавозимига тайинланди. Бироз вақт ўтгач, Когон шаҳар-туман ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари даражасига эришди. Умрининг сўнгги кунарида Вобкент тумани ИИБ ШТБИ бўйича ўринбосари эди. Ички ишлар тизимидаги 17 йиллик хизмати давомида самарали фаолияти туфайли подполковник даражасига эришди.

Аваз Шодиевни кўпчилиқ талабчан, ўз ишини яхши билладиган, самимий инсон сифатида эътироф этади. У ўзининг инсоний фазилатлари билан кўпчилиққа ибратли ходим эди. Ҳар бир топшириққа масъулият билан ёндашиш, муайянликларни енгил, муаммоларни ҳал этишни устозлари полковник Комил Ибрагимов ва подполковник Илхом Шерназаровлардан ўрганган...

2007 йил 8 июль. Яқшанба

қуни эрта тонгда Вобкент туманида ўтказилаётган махсус тадбирда иштирок этиш учун чиқиб кетган подполковник А.Шодиев тушдан кейин Фиждубонга, оиласига анча ҳорғин қайтди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай тақдир тақозоси билан яна Бухоро шаҳрига бориши зарур бўлиб қолди. У яна йўлга отланди. Лекин хонадонига қайтиш, яқинлари дийдорини кўришга бошқа насиб этмади. Бухоро шаҳридан Фиждубонга қайтаётганда ярим тунда содир бўлган автохалокат туфайли оғир жараҳатланди. Касалхонада ўзига келмай ҳаётдан қўймоди. Қутулмаган фалокатдан нафақат кекса оназори, оила аъзолари, яқинлари, балки уни билган барча инсонлар чўқур қайғуришди.

У қисқа умри давомида кўпчилиқнинг қалбидан жой олиб, ҳаётда ўз ўрнини топа билган эди. У яқинларига гамхўр, меҳрибон, солиҳ фарзанд, устозларига муносиб шогирд, сафдошларига оқибатли дўст сифатида яхши ном, еркин хотира қолдирди. От изини той босади, дейишади. Унинг ортида қолган икки ўғли ота касбини давом эттиришга аҳд қилишган. Иккаласи ҳам ҳозир Бухоро давлат университетининг талабаси. Улар оталари руҳини шод этиб, ўз халқига ва Ватанига муносиб фарзандлар бўлиш ниятида астойдил интилишмоқда. Биз уларнинг оталари руҳини шод этиб, юртнинг ҳақиқий ўғлонлари бўлишларига ишонамиз. Зеро, эзгулик чироғи асло ўчмағай.

Рўзиғул ЙЎЛДОШЕВА, Бухоро вилояти.

Йўл бошида

СИЗГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАМАН!

Ойижон, бу хатни минг бир истиқола билан ёзганман. Чунки шу вақтга қадар сизни ақали бил марта бўлса ҳам хурсанд қилмабман. Айтганингизни қилмай, гапнингизга кирмай сизни азоблаганимни энди тушуниб етдим. Мана, ўн тўрт ёшга кирибман. Шу пайтгача укам иккимизни бир ўзингиз боқаясиз. Қанча қийналсангиз ҳам бизга билдирмасликка ҳаракат қиласиз. Бизни яхши ўқушга, келажакда керакли касб-ҳунар эгаси бўлишга ундайсиз. Сизнинг тортган азобларингизни энди ҳис қиламан.

Эсимни таний бошлаганимда отам уйдан кетиб қолган эдилар. «Отам қарерга кетаяптилар?» деб сўраганимда, «Хизмат сафарига», деб жавоб берган эдингиз. Орадан ойлар ўтиб, буювмининг: «Энди ундай ўғлим йўқ, икки қорақўзини чиқиратиб бошқа бировни етаклаб кетадиган аҳолиқон фарзандим демайман. Келин, сиз эса қизимсиз, эшитгимиз сизга доимо очик», деганларини эшитиб барчасини англаб етганим. Шунга ҳам неча йиллар бўлибди...

Ойижон, чиройли юз-кўзларингизга ажин тушибди, чакка сочларингизга оқ оралибди. Мактабга бормай, уйга кирмай оттираран тонгларимнинг изи бу, билман. Ойижон, мен бу ердан – воғга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ердан кўрсатиш марказидан олиб кетганингиздан сўнг

ақли, гапга қирадиган бола бўламан. Тарбиячиларимиз бизга танлаган йўлимининг тўғри эмаслиги, бўш вақтимизни кўча-қўйда эмас, тўғрақларда ўтказасак, кунт билан ўқисак, келажакда қуни мутахассис бўлишимизни айтшди. Уларнинг гапларини эшитиб туриб математика ўқитувчим Махлиё опа эсимга тушдилар. 5-синфга ўтганимда мени математика фани тўғрагига олиб борганингизни эшди. Ушанда бу фани яхши қўриб қолганим. Кейин кўча болаларига қўшилдим, улардан ажралолмай қолдим. Махлиё опанинг панд-насихатлари, «Бу йўлингдан қайт», деб айтган гаплари ҳам мени уйдан, вақтни бекор ўтказишдан қайтара олмади...

Бу ерда ўзим тенги болалар билан шахмат, шашка ўйнайман, дарс қиламан. Формаси ўзига

ярашиб турадиган тарбиячи опалар, акаларим билан бир-бириндан қизик маззуларда суҳбатлашамиз. Кеча мендан: «Келажакда қайси касб эгаси бўлмоқчисан?» – деб сўрашди. Ростини айтганда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Қайси касбин танласам экан, деб туни билан ўйлаб чиқдим. Шифокори, иктисодчинми? Еки ўқитувчи бўлсамми? Қайси касб ҳақида ўйласам ҳам кўз олдимга бу ердаги тарбиячилар, капитан Нодир ака Абилов келаверди. У кишининг спортчилардек эңчиллиги, худди олимплардек ақли эканликларига ҳавас қиламан. Ойижон, сизга битта гап айтмайми? Эсимни танганимдан буюн ҳеч кимга ҳавас қилмаган, уларга ўқушга ҳаракат қилмаган эканман. Нега бундай деб ўзимга савол бердим. Оғир бўлса ҳам айтмай, ҳаётга қизиқмаслигимга, бутун ўтишини ўйлаб яшаганимга, тонггача кўчаларда, компьютер клубларидан ўтган кунаригизга шу тобда ачинаиб кетдим. Бехуда ўтган куналарим, юзингиздаги ажинлар, сочингиздаги оғир, мен учун тўқсан қўш йўлларингиз учун айбдорлигини ҳис қиламан.

Бир маҳал деразадан қарасам, осмон ёришиб келаяпти. Тонг отиши жуда чиройли бўларкан. Жўшиб сайраётган қушчалар, қўшнинг заррин нурлари ҳаётнинг бетакдорлигини, уни бехуда ўтказмаслигим кераклигини айтаятгандек гўё... Ойижон, мени бу ердан олиб кетинг. Сизни, укамни жуда соғиндим. Энди илгаридек қулқонсиз, гапга кирмайдиган бола эмасман. Яхши ўқийман, сиз истагандек фарзанд бўламан, сизга, укамга суянч бўламан. Шундай қилиб, ойижон, оқоимталлик посбонни бўлишга аҳд қилдим. Худди Нодир акамларга ўқшаб адашган болаларни тўғри йўлга бошлайман, оиласига қайтараман. Билман, бу касб эгаларига осон эмас. Лекин тинмай ўқисам, излансам, албатта максималга етарканман. Кеча тарбиячи опа шундай дедилар.

Лазизнинг хатини Г. АВАЗОВА оққа кўчирди. Қашқадарё вилояти.

Бағрикенглик

Одам ҳаётда адашмасин экан. Ҳабибулла айрим галямислар кутқусига учиб, норасмий диний оқим ташкилига тушиб қолди. Натияжада жиний жаобгарликка тортилиб, ёшлигининг энг гулжун даврини панжарга ортида ўтказишига тўғри келди. Жазо мудатини ўтаб қайтгач, қўни-қўшнилар, маҳаллақўйини юзига тик қарашга ботинолмай қолди.

Аммо кечиримлик, бағрикенглик халқимизга хос фазилат. «Баҳрин» маҳалла фуқаролар йиғини ақли уни ёлғизлатиб қўймади. Профилактика инспекторининг кўмагига ижтимоий кўнликма марказидан ўрнатилган тартибда моддий ердан олди, тиббий қўриқдан ўтказилди ва иш билан таъминланди. Бугунги кунда Ҳабибулла Қазақов Марғилон шаҳар Сув-оқова ишлаб чиқариш давлат корхонасида қилангар бўлиб ишламоқда. Узининг меҳнатсеварлиги билан жамоада ёрғи-этибгорга сазовор бўлди. Айни пайтда икки нафар ёш ходимга устозлик қилмоқда. Ҳаётда хатога йўл қўлиб, сўнг маҳалла ва эл орасида ўрнини топишда профилактика инспекторларни кўмагидан баҳраманд бўлаётганлар фахр туйғуларини туйишади.

ЎЗАР ОШОНЧИ МУСТАҲКАМЛАБ

Айни пайтда Фаргона вилоятида 336 та биллеча таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Мазкур масканларда бурчинчи ўтаётган оқоимталлик посбонлари билан маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоат тугилмаси сардорлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Шу туфайли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни «иссик изида» фоз этиш ва жамоат тартибин сақлашда ижобий ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Ички ишлар идоралари профилактика ҳисобида турган шахслар билан яқка тартибда иш олиб боришга алоҳида эътибор бераёلمиз, – дейди Марғилон шаҳар ИИБ ҲОСБ бошлиғи, майор Эркин Мирзақодов. – Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқароларнинг барчаси иш билан таъминланган. Уларга жамоатчи мураббийлар бириктирилиб, доимий равишда профилактика суҳбатлар ўтказилапти.

Оқунбобов туманида яшовчи Мўҳсинжон Ҳақимжонов ҳам ҳаётда бир бор адашди. Бу эса унга қимматга тушди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси бўйича жазо мудатини ўтаб қайтгач, ўзи истикомат қилаётган «Саримозор» қишлоқ фуқаролар йиғини Эшонгузар маҳалласидаги маданият таянч пункти профилактика инспектори, капитан Анваржон Маллаевга уршди. Профилактика инспектори унга тиббий қўриқдан ўтиш учун йўлланма берди, тегишли тартибда моддий ердан олишга кўмаклашди, ишга киришига бош-қош бўлди. Ҳозир М. Ҳақимжонов тумандаги 49-ўрта мактабда боғбон бўлиб ишламоқда. Беш нафар фарзандига оталик меҳнатини бераёпти. Йиқилганни суяш, унга мадад бериш, тўғри йўлга бошлаш одамлар ўртасидаги ўзаро ишончини мустаҳкамлайди, бир-бирларига жипслаштиради. Ақиллик бўлган жойдан эса барака айирмайди.

Норали ОЧИЛОВ, лейтенант. Фарғона вилояти.

Умрингизга барака



Фажур ака Абдумажидов ИИБ Фахрийлар кенгаши хонасига кириб келганида сафдошлари илик кутиб олишди.

Тажрибала-рингиздан гапириб берасиз. Бундай хизматга доим тайёрмиз, - деди Фажур ака Абдумажидов кўлини кўксига кўйиб.

нерал-майор Ф. Раҳимов уни кучоқ очиб олқишларкан. Истеъфодаги полковник Фажур ака Абдумажидовни республика-миздаги ҳуқуқшуносларнинг усто-зи сифатида кўпчилик танийди.

Умидли спортчиларимиз

ШАҲНОЗАНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Бугунги кунда нафақат йигитлар, балки қизларимизнинг ҳам бир қатор спорт турлари бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилишадигани кўриб кўзимиз қувонади.

Шаҳноза азим Тошкент шаҳрида туғилган. 2000 йилдан тазквандо (ITF) билан шуғулланади. Қаҳрамонимиз учун ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган илк мусобақа 2002 йилда «Клублараро» чемпионат бўлиб, унда Шаҳноза фахри биринчи ўринни, эгаллади шунингдек, бир қанча нуфузли мусобақаларда қатнашиб, фахри ўринларни қўлга киритди.

номга сазовор бўлди. Яна бир неча бор эса республика биринчилигида ғолиб бўлди. Яқинда Италиянинг Калари шаҳрида бўлиб ўтган «WASKO» бўйича Жаҳон чемпионатида ҳам фаол иштирок этган спортчи қизимиз, фахри биринчи ўринни қўлга киритиб, юртимиз шарафини яна бир бор ҳимоя қилди.


ят билан таъкидлади. Шаҳноза-нинг ота-онаси унинг ушбу спорт тури билан шуғулланишига аввалига унчалик рўйхушлик беришмаган экан. Бироқ ахдидан қайтмаган қизнинг иро-даси, ўзига бўлган ишончи ва кетма-кет қўлга киритган ғала-балари оила аъзоларининг ҳам ишончини оқлай олган.

рида балиқ боқиш, машина бошқариши, сайр қилишни ёқтиради. Шу билан биргаллик, да, айни кунда тиниб-тинчимас қаҳрамонимиз шу йилнинг сентябрь ойларида Англияда бўлиб ўтадиган Кирил кубогига қизинг тайёргарлик кўрмоқда. Албатта, биз ҳам Шаҳнозанинг ушбу мусобақаларда юқори ўринларни қўлга киритиб, юртимиз байроғини янада баланд қўтаришига ишонч билдираемиз.



Моҳичехра ЭШМИРЗАЕВА.

Биласизми?



МУНДИАЛ АТРОФИДА

Тобора қизгин паллага кириб бораётган футбол бўйича XIX Жаҳон чемпионати футбол юлдузлари иштирокидаги аjoyиб ўйинлари билангина эмас, балки кутилган-кутилмаган натижалари, мундиал атрофидаги шов-шувли воқеалари билан ҳам тарихдан жой оладиган кўринади.

КЕЛИБ ҚОЛИНГ, ВУВУЗЕЛАГА!

Жаҳон чемпионати мобайнида энг кўп гапирилган, гапиралаётган мавзу, бу - Африка вувузеллари, десак адрасинга бўла-миз. Арининг гўнгилашига ўхшаш ёқумсиз товушга эга бўлган бу чолғу асбобидан кўпчилик муҳлису мутахассислар ва ҳатто, футболчилар ҳам «дод» дейишгачи бор гап.

Буни қарангки, «ЖАР-2010»да бутун дунёга танилган, кўпчиликка ёқмаган Африка вувузеллари аллақачон «қора қитъа»-ни забт этиб, Европада қадар етиб борибди. Гап шундаки, теннис бўйича халқаро Уимблдон турнири бошланиши арафасида 40 минг донага яқин вувузела сотилган.

Айтгандек, мутахассисларнинг таъкидлашларича, вувузелларнинг шовқини 130 децибалгача боради. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, моторли арранинг шовқини бор-йўғи 100 децибални ташкил этади.

ПРЕЗИДЕНТ ИШДАН КЕТДИ

Нуфузли турнирдаги муваффақиятсиз иштирок айрим миллий терма жамоалар

мураббийларининг истеъфосига сабаб бўлмоқда. Кўплаб маҳоратли футболчиларга эга бўлган Франция терма жамоасининг гуруҳ босқичидаёқ мусобақа билан хайр-лашиши Раймон Доменекнинг ўз «пости-ни» топишига мажбур этганлигидан хабарингиз бор.

Яқинда Франция Футбол федерацияси президенти Жан-Пьер Эскалетт ҳам истеъ-фога чиқарилди. Бунга, албатта, «учранги-лилар»нинг чемпионатдаги шармандали иштироки сабаб бўлди. Эскалетт жамоа-нинг собик устози Раймон Доменек билан яқши муносабатда эди ва айнан у Доменекни аксарият ҳолларда қўллаб-қувватлаб келаётганди. Мундиалда французларнинг омадсиз юришига кўп жихатдан жамоа мураббийининг хатолари сабаб бўлганлиги эса мамлакат Футбол федерацияси раҳба-рининг ҳам истеъфосини талаб этди.

ЯРИМ ДАҚИҚА УЧУН МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Ҳисоб-китобларга кўра, ФИФА Жаҳон чемпионатидан 3,2 миллиард доллар миқ-дориди даромад кўради. Бу фойда асосан чипталар сотуви ва телетрансляция ҳуқуқини сотишдан келади.

Маълумки, бутун дунёда Олимпиада ўйинларидан ташқари мундиал бахслари-ни ҳам миллионлаб мухлислар кузатиб боришади. Шу пайтга қадар 2,9 миллиард киши жаҳон чемпионатининг ҳеч бўлмаган-да битта ўйинини томоша қилган. Бунинг орқасидан ФИФА ўйинларни трансляция

қилиш борасида 1 миллиард доллар соф фойда олади.

Жаҳон чемпионати ўйинлари намойиши учун ФИФА ҳисоб рақамига катта маблагларни ўтказиб берган телевидениелар ҳам ишни яқши йўлга қўйганликлари тўғрисида севиларни даромадларни қўлга киритиш-моқда. Жумладан, Буюк Британия телека-налларида 30 сониялик реклама ролигини жаҳон чемпионати ўйинлари вақтида на-мойиш қилиш 300 минг фунтга баҳолан-ган. Англиянинг АҚШ ва Жапония қарши ўйинлари вақтида бир дақиқалик реклама учун 1 миллион доллардан кўпроқ пул сарф этилган. Яхшиямки, Англия нимчорак фи-налицда Германияга имкониятни бой бер-ди. Акс ҳолда...

ХЎРОЗ... ФУТБОЛ КЎРМАСИНИ

ФИФА Жаҳон чемпионати доирасидаги ўйинларга жониворларни стадионларга олиб киришни тақиқлаб қўйди.

Гап шундаки, Франция миллий терма жамоаси иштирокидаги ўйинларга футбол иштиқобозлари хўроз олиб кириб, бошқа мухлисларнинг тинчини бузишган. Нега айнан хўроз дейишми? Чунки хўроз Фран-ция терма жамоасининг рамзи ҳисоблана-ди. Шу сабабли мухлислар турли ранглар-га бўялган бу парранда жамоага омад кел-тиришига астойдил ишониб, уни ўзлари билан бирга стадионларга олиб қирганди-лар. Афсуски, франциялик мухлисларнинг умидлари чиппакача чикди: уларнинг севи-ми жамоалари атиги битта очкони қўлга ки-ритишди, холос.

Дарвоқе, бошқа терма жамоалар мух-лислари ҳам францияликлардан ўрнак ол-ган ҳолда ит, мушук каби ўй ҳайвонлари билан футбол кўришни маъқул топилган. Энди бу ишларга чек қўйилди. Мухлислар жониворларни стадион атрофида қолди-ришади ёки улар билан бирга ўйларига қайтариб юборилади.

Камол АЛЛАЁРОВ тайёрлади.

ҲУҚУҚШУНОСЛАР УСТОЗИ

мат қилиб, уларнинг тарбиясини олган, билим ва тажрибаларидан баҳраманд бўлган.

Фажур аканинг ҳаёт йўлига назар солсангиз, ҳақиқатан ҳам устоз бутун умрини ҳуқуқшуносликка бағишлаганини кўрасиз. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўн беш ёшида республика юридик макта-бида тахсил олади. Ўн олти ёши-данок суд-ҳуқуқ идораларида хиз-мат қила бошлади. Дастлаб од-дий суд ижросиси сифатида иш бошлаган ёш Фажур Тошкент юри-дик институтига ўқишга юборила-ди. Институтни тугатгач, Сирдарё, Зангиота туманлари прокуратура-ларида терговчи бўлиб ишлайди. Ёш бўлишига қарамай интилувчан, адолат юзасидан ҳар бир ишни пухта олиб борган йигит REPUB-лика прокурори ҳузуридаги ўта

муҳим ишлар терговчиси этиб тайинланади.

Фажур ака ўз даврининг ҳуқуқшунос олимлари асарлари-ни тинмай мутолаа қиларди. Ҳуқуқ илмини эгаллаш, ҳали очилмаган қирраларини топиш-га бўлган иштиёқ уни тинч қўймади. Шунинг учун ҳам у Ле-нинград (ҳозирги Санкт-Пете-бург) давлат университети аспи-рантурасига бориш таклифига ич-ицидан қувониб рози бўлади. Бу ерда у республикада би-ринчи бўлиб криминалистика бўйича фан номзодлигини му-ваффақиятли ёқлайди.

Кейинчалик Фажур ака яна бир қатор ҳуқуқ идоралари, ил-мий тадқиқот институтларида фаолият кўрсатди ва нуфузли идораларда ишлади.

— Бунинг учун мен халқимиз-нинг атоқли ҳуқуқшунос олима-си, академик Хадича опа Сулай-моновадан бир умр миннатдор-ман, — дейди Фажур ака биз би-лан суҳбатлашар экан.

Фажур ака Абдумажидовнинг республика ИИВ Академиясида-ги фаолияти унинг ҳаётида ай-ниқса ёрқин из қолдирди. 1974 йилда олий таълим даргоҳининг кафедра бошлиғи лавозимида иш бошлагач, йиллар ўтиб унга полковник унвони берилди, док-торлик илмий даражасини ёқлади, профессор бўлди.

Отахон олимнинг ҳуқуқ илми юзасидан ёзган китоб ва рисо-лалари ўқув қўлланмаси сифати-да фойдаланилган. Яна энг му-ҳими отахон Ўзбекистон REPUB-ликаси Конституциясини тайёр-лашда ҳам фаол иштирок этди. Қатор йиллар Конституциявий суд судьяси бўлди.

Ҳуқуқ илмининг билимдони, профессор Ф. Абдумажидовнинг эл-юрт олдидаги кўп йиллик хиз-

матлари муносиб баҳоланди. У киши орден ва медаллар билан тақдирланди. Ўзбекистон Рес-публикаси Фан арбоби унвони берилди.

Олимнинг билими ва тажри-басидан баҳраманд бўлиб, устоз дея ҳурмат билан тилга олади-ган ҳуқуқшунослар, ички ишлар идоралари ходимларини REPUB-ликаимизнинг барча вилоят, ту-ман шаҳарлари, шунингдек қўшни республикаларда ҳам уч-ратиш мумкин.

Ёши тўқсонга қараб кетаётган отахон олим ҳамон сафда. Тош-кент юридик институтида тала-баларга сабоқ берапти. Яна ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзоси си-фатида жамоат ишларига доим шай.

Умрингизга барака, яна кўп йиллар фарзандлар, неваря, эвара, сафдошлар, шогирдлар даврасини тўлдириб юринг азиз устоз, деймиз.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

Саломатлик ўз қўлимизда

ОФТОБ УРИШИДАН САҚЛАНИҒ!

Кўёш нури (ёки нур энергияси)нинг организмга, жумладан одам терисига таъсири ва унинг нати-жасида юзага келадиган ўзгаришлар кўп асрлар-дан буён олимлар эътиборини ўзига тортиб кел-моқда. Айниқса, кўёш нури таркибидаги ультра-нафша нурининг инсон саломатлиги учун бебаҳо-лигини яхши биламиз. Чунки унинг таъсирида те-рида оксидланиш-қайталаниш реакцияси вужуд-га келиб, инсон организмда кальций ва фосфор го-меоостазини (доимийлигини) сақлаб турувчи Д, ви-тамини синтез бўлади. Барча ҳужайралар, шу жум-ладан терида ранг (пигмент) етказиб берувчи меланоцитлар бир меъёрда ишлайди. Энг муҳими ульт-раинафша нури тери касаллиқларининг асосий даволаш усули ва инсон саломатлиги учун фойда-ли омил бўлиб хизмат қилади.

Минтақамизнинг тўртинчи иқлим шароитига тўғри келиши ва шу билан бир қаторда рес-публикамиз чўл, яримчўл, дашт ва тоғли ҳудудлардан иборат бўлгани сабабли мамлақати-мизда ёз фасли иссиқ келади. Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлақатимизнинг ёз фаслидаги иссиқ иқлимни муътадиллаштириш мақсадида, республикамизда улкан кури-лиш, реконструкция ва ободон-лаштириш ишлари амалга оширилмоқда, яшил майдон-лар кенгайтирилмоқда. Сўнгги йилларда биргина пойтахти-мизда умумий майдони 3 минг гектардан ортиқ янги боғ-роғ-лар ва хиёбонлар яратилди, ўнлаб аjoyиб фавворалар, сунъий сув ҳавзалари барпо этилди. Шунингдек, мамлақ-атимизнинг бошқа шаҳар ва ту-манларида ҳам бу борадаги ишлар кўлами йил сайин кўпа-йиб бормоқда.

Кўёш нурининг инсон сало-матлигига салбий таъсир эти-ши ҳам кузатилади, жумладан унга сезувчанлиги юқори бўлган инсонларга салбий таъсир этиб, уларда турли хил тери касалли-қлари келтириб чиқаради. Кўпчилик ёз фаслининг иссиқ кунларида бошланғич юради ёки чинкиш мақсадида ўзини оф-тоб нурида тоблайдди. Ёз фас-лида иссиқ жойларда ишлаш, узоқ вақт мобайнида ҳаво ўтказ-майдиган кийим кийиб юриш натижасида ҳам офтоб уриши ҳолатлари рўй беради.

Офтоб уриши бу — одам бо-шига бевосита кўёш нурининг тушиши, унинг таъсири остида эса бош миё қон томирларининг кенгайиши, калла бўшлиғига қон оқиб келишининг кучайиши, бош миёнинг шишига олиб ке-лувчи ҳолатдир.

Кўёш нурининг бевосита одам бошига, айниқса калла-нинг энса ва тепа қисмига узоқ вақт давомиде таъсир қилиши, офтобда маст ҳолатда бўлиш, офтоб нури тушган жойда ухлаб қолиш, шамолсиз иссиқ дим ҳаво, офтоб нурида узоқ масо-фага юриш, ҳаво ўтказмайдиган материаллардан тайёрланган кийим-бош кийиб юриш офтоб уришига сабаб бўлади.

Юз терисининг ҳаддан таш-қари қизариши ва кўчли бош оғригининг пайдо бўлиши оф-тоб уришининг биринчи белгиси



хисобланади. Кейинчалик эса лохас бўлиш, бош айланиши, кўз олди қоронғилашиши ва қайт қилиш каби белгилар пай-до бўлади. Оғир ҳолатларда бемор хушидан кетиб, юрак уриши ва нафас олиши тезла-шади. Беморнинг нафас олиши қийинлашиб, юрак-қон томир тизимининг фаолияти бузилади.

Офтоб уришининг олдини олиш кўёш тигида кўп вақт бош яланг юрмаслик, офтоб нури-ни қайтарувчи оқ ёки ёрқин рангли пешона қисми соябон-ли бош кийимда юриш, очик офтоб нурида дам олмасдан узоқ вақт юрмаслик, балки вақ-ти-вақти билан соя жойда би-роз дам олиб кейин юришни давом эттириш, тез-тез совуқ сув, совуқ чой ёки минерал сув ичиб туриш лозим.

Малакали шифокорлар етиб келгунга қадар офтоб урган ки-шига сифатли ва ўз вақтида биринчи тиббий ёрдам кўрсат-тиш, беморнинг умумий хола-тини яхшилайти, айрим оғир ҳолларда эса унинг ҳаётини сақлаб қолади.

Иссиқ уриши бу — ташки муҳит иссиқлик таъсири ости-да бўлган одам организмнинг ҳаддан ташқари қизиб кетиши натижасидир. Одамни иссиқ уриши учун офтоб нурининг таъсири шарт эмас. Биламиз-

ки, инсон организмнинг ҳаётий фаолиятида доимий ра-вишда моддалар алмашинуви юзага келиб, организмда маъ-лум миқдорда иссиқлик ишлаб чиқарилади. Иссиқ об-ҳаво шароитида бу иссиқликнинг маъ-лум қисми ташқи муҳитга ин-сон тери қаваотида жойлашган тер безлариданги тер суюқлиги орқали ташқи муҳитга чиқари-лади ва одам организмнинг ҳаддан ташқари қизиб кетиши-нинг олди олинади.

Иссиқ об-ҳаво шароитида ҳаддан ташқари чарчош, тер-лаш, ҳаво ўтказмайдиган қалин кийим кийиш тер безларининг

ёрдам кўрсатиш даярли бир хил бўлиб, шифокорлар етиб келгунга қадар офтоб урган ки-шини дарров соя-салқин, енгил шамол эсиб турган жойга олиб ўтиш, кийим бошлари, ёқа, энг-ларини бўшатиб, тугмаларини ечиш, бошини баландроқ қўта-риш, орқаси билан сунячиққа сунб ётқизиш, кейин бошига, айниқса йирик қон томирлари ўтадиган соҳа, яъни бўйиннинг икки ёни, кўлтиги, чов соҳаси-га совуқ сув солинган елим халтача, совуқ сув солинган шаффа ёки бир марта ишлати-ладиган пластикли идиш (бак-лашқа) қўйиш зарур. Бемор танасини хўлланган соячи ёки чойшаб билан ўраш керак. Бе-морга нашатир спиртни ҳид-латиш, елпиш, кўпрок суюқлик, совуқ ва қайнатилган сув ичи-риш лозим.

Шуни унутмаслик жоизки, қизган ва қизарган терида асло спирт ёки ароқ суртиш мумкин эмас. Чунки, у терида-ги майда тешикчаларнинг ози-ни ёпиб қўйиб, иссиқликнинг ташқарига тер суюқлиги орқали чиқишига тўсқинлик қилади. Натижанда организм димланиб, нафас олиш жараёни тобора қийинлашиб, юрак фаолияти тўсатдан тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Шундай экан, зарурат-га қараб беморга сунъий нафас олдириш, юрагини уқалаш усулларини қўллаш мумкин. Шошилич биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш - беморнинг бош миё ва бошқа аъзолари меъёрий фаолияти бузилиши-нинг олдини олади.

Офтоб уриши ёки иссиқ-лик уришининг олдини олиш учун очик жойда ишлаганда, табият кўйини дам олишга чиққанда ҳар бир ходим енгил, ҳавони яқши ўтказувчи кийим, ҳамда бошни офтоб нури ури-шидан сақловчи бош кийим кийиб юриши лозим.

Иссиқ шароитда оғир ва жисмоний ишлар бажариш айниқса, зўрқичиб ишламаслик, спиртли ичимликлар ичмасдан, тез-тез сув ичиб туриш тарти-бига қатъий риоя қилиш зарур.

Суюқ қилиб дамланган чой (айниқса кўк чой), квас, турли хил мевалардан тайёрланган салқин ичимликлар ичиш орга-низмда сув, минерал ва тузлар, умуман суюқликнинг зарур миқ-дориди мувозанати ва мута-носиллигини таъминлайди.

Табият кўйига хордик учун чиққанда, узоқ давом этадиган саёхатларда офтоб урмаслиги ҳамда иссиқ элитиб қўймаслиги учун соя-салқин жойларда дам олиш, албатта кун жуда қизма-ган соатлардангина меъёрда ишлаш ва овқатланиш керак.

Энг муҳими, иссиққа чидам-сиз кишиларнинг, ёз фасли-нинг жазирема кунларида соя-салқин жойларда кўпроқ ўтқа-зиши мақсадга мувофиқдир.

Р. ҚҮНИШЕВ, ИИВ СЭНБМ бошлиғи ўринбосари, подполковник.

Турмуш чорраҳаларида

Жавлон бошини чангаллади. Стол устида турган арокка тикилиб турди, шахд билан пиёлага куйди. Кетма-кет сипкорди. Кошки бу унинг ёниб турган юрагини совутса...

Она тарбиясини олмаган, отанинг бефарқлиги-ю бувининг ожизлигини сезган киз кўчадан таскин топиб, дўст ахтара бошлади. Шундай кунларнинг бирида қаллоб Козимни учратди. Кизларнинг бошини айлантиришга устаси фаранг йигитга тажрибасиз, уквусиз Зиёдани илтириш ҳеч гап эмасди...

сезди. Нима десин?! Алам ва оғриқ билан фарзанд деганининг машамшаси шунчалик катта, оғир ва азобли эканлигини дилдан ўтказди. Зумрадни эслади. Унинг суддаги, ундан кейин ҳам йўлларини поилаб қилган оғу фиғонлари, ялиниб-ёлворилари кўз ўнгидан ўтди. Узининг худбинлиги ва нодонлигига лаънатлар ўқиди. У ҳам отами?! Мана, ҳозир мағлубиятини унутиш, аччиқ ҳақиқатни четлаб ўтиш учун алами-

интик. Нимагалигини ўзи ҳам билмайди. Қизи эсон-омон кутулиб олсин, уни бу ерлардан узокларга олиб кетади. Албатта ўзини, боласи туғруқонада қолади. Сўраганларга бола ўлик туғилди, дейди қўяди. Жавлон телефонга ўпқаланиб қарадида, яна ароқдан пиёлага куйди. Уни кўтариб ичиши иккиланиб турганида телефон жиринглади. Гушақдан бегона аёл кишининг овози келди: - Алло, Жавлон сизмисиз? - жавобни ҳам кутмай яна гапира кетди. - Тез туғруқонага етиб келинг!

Аёлниг хавотирли овози Жавлоннинг кайфини тарқатиб юборди. У чайлаганча ўзини қўлга олишга уриниб, кийина бошлади.

- Жавлон Боқиевмисиз? Зиёда Боқиева қизингиз-а? - Шифокор бироз тин олди. Афтидан муҳим бир сўзни қандай етказиш ҳақида ўйлаётганди. - Онангизга тиббий ёрдам кўрсатялмиз. Юраклари чатоқроқ экан. Ҳали замон ўзига келиб қолади. Жавлон: «Қизимнинг аҳоли яхшими?» деб сўрай деди-ю тили негадир айланмади. Оғзидан гупиллаб ароқ хиди келишини ўйлади, жимиб шифокорнинг оғзига тикилди.

- Бардам бўлинг, биз бор имкониятни ишга солдик. Бироқ тақдирнинг ишига инсон бас келолмас экан. Қизингизни асраб қола олмадик, - деди у қайғули оҳангда.

- Нима-а-а...?! - Қизингизда турли касалликлар бор экан. Агар уни барвақтроқ шифокорлар кўригидан ўтказиб, ўз вақтида муолажа қилинганда...

Жавлон унинг сўзларини эшитмади. Кўз олдига хув ўшанда суд залида юм-юм йиғлаб, тиз чўккудек ялиниб-ёлворётган Зумрад, «ойижонимга бораман, ойижонимни соғиндим» дея йиғлаётган Зиёда келди. Бироз вақт ўтиб, уларнинг кўз ёшлари дарёга айланиб, Жавлонни домга тортиди-да, оқиза кетди.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

ТАҚДИРНИНГ АЯНЧЛИ БЕКАТИ

қўйгач, Жавлон Зумрадни руҳан эзиб ташлаганини «ювиш» учун дўстларини қаҳвахонага таклиф қилди. Аслида у голиблигини эмас, аччиқ мағлубиятини унутиш учун машаат уюштирганди. Аммо галабага аталган айшу ишрат унинг аламзада қалбига таскин бера олмади. Шу-шу тез-тез ичадиган, кўнгилхушлик излайдиган одат чиқарди. Пала-партиш ҳаёт, кунда - кун ора жазманларни алмаштириш, бекуним кўнгли уни минг қўйга солди. Қизини унутиб қўйган вақтлари ҳам кўп бўлди. Ростки, эслаган кунлари санокли эди, десак тўғрироқ. Жавлон онасининг кўнгирикларидан бироз хушёр тортгандек бўлар, аммо оталик бурчи фақат қизига бир-икки майда-чуйда нарсалар олиб бериш, кийим-кечагига пул ташлаб келиш билан чегараланарди. Зиёда ўн тўрт ёшга тўлганда она ўглини жиддий оғохлантирди. Неварасининг хулқи ўзгараётгани, мактабга бориб-бормаётгани, қандайдир дугоналар орттиргани, алламаҳалгача кўчадан бери келмаслиги, тез-тез бўлаётган кўнгирикларнинг охири бахайр эмаслигини айтиб, қизининг тарбиясига жиддий ёндашмаса бўлмаслигини жон қўйдириб таъкидлади. Ушанда ҳам Жавлон хушёр тортмади. Аксинча, ўз шахсий муаммоларини ҳал қилиш билан овора бўлди.



бўлиб, уни тиббий йўл билан олиб ташлаш хатарли эканлигини айтгач, Жавлон бошини қайси деворга уришни билмай қолди. Биринчи бор хўнграб йиғлаб юборди. Мўнғайиб, сарғайиб, гарангисиб турган қизининг кўзига тик қарай олмасди. Бирор сўз билан уни қойишга ҳам ўзини ожиз

ни ароқдан оляпти. Тез орада қизининг кўзи ёриши керак. Кекса онаси невараси билан туғруқонада. Аслида қизининг ёнида ўз онаси бўлиши керак эмасмиди. У телефонга қаради. Юраги безовта. Онасининг кўнгирик қилишини кўтляпти. Ҳар не бўлганда ҳам фарзанди-да, нимагадир

Кечагидек ёдида. Можарони ҳал қилувчи кунда суд қизи Зиёдани онасининг бағридан юлиб, отасида қолдириш ҳақида ҳукм чиқарди. Бундай натижага эришиш учун барча таниш-билишларини ишга солган Жавлон Зумраднинг кўзларидан оқаётган дув-дув ёшни кўриб, тантанавор тамшанди. «Майли, оёқларингизга йиқилай, фақат қизимни менда қолдириш» дея дунёни бузгудек оғу ноласини эшитаркан, нашу наъмондан ўзини арши аълода ҳис этди. Аслида қизи унга шунчалар керакмиди?! Чинданам бир ота ўз фарзандини севганчалик қизини севармиди?! Ҳа, йўқ-йўқ, ўша пайтда унга шундай туюлганди, чамаси. Нима қилади ўзини алдаб. Виждонини алдай олмайдми-ку ахир! Қизи шунчаки Зумраднинг иродасини бўкиб, руҳини синдириш учун бир кўрол эди, холос. Йўқса, ўша кунчўк Зиёдани онасининг олдига олиб бориб ташлармиди?! Нима эмасди, Зумрад қизининг тарбиясини бузармиш, отаси, унинг ақинларига нисбатан нафрат туйғусини уйғотармиш. Зумраднинг поқдоним, ақли-фаросатли эканлигини биларди-ку ахир! Ҳеч қачон қизини номаълум тарбияламаслигини ҳам. Болани онадан айририб, йиллаб ўрталарига ҳижрон солиб, энди аччиқ мевасини татиб кўрмайтими. Агар бунга Зумрад эшитса ёки билиб қолса борми, нақ икки дунёсини дўзахга айлантормайдими?! Қачон қизи шу аҳволга тушди?! Ким айбдор?! Кани бир бошдан таҳлил қилиб кўрайлик-чи. Зиёдани онасининг уйига олиб бориб

Қилмиш-қидирмиш

Ўзингдан чиққан балага...

Ш. Холбой асли Мирзаобод туманида туғилган, қариндош-уруғларининг қўлчилиги шу ерда ашайди. Ўзи эса Янгиер шаҳрига қўчиб кетган. Аммо Мирзаободга тез-тез келиб туради. У шунчаки қариндош-уруғлар, таниш-билишларни йўқлаб эмас, бошқа ниятда келиб турганлиги кейин маълум бўлди.

Ш. Холбойнинг қадам олиши ўзгариб қолгани, айниқса, мол бозорларида пайдо бўла бошлагани бизда шубҳа уйғотди. - деди вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходими, капитан Аъзам Қўқонбоев. - Хонадонда мол туғул, товуқ ҳам боқмаслигини билардик. Шу боис уни кузатувга олдик. Ёнида тез-тез пайдо бўлиб турадиган ҳамтовоклари Д. Қодир ва А. Хидирбеклар ҳам бирор ишнинг бошини ушламаган, оғир ишга эғлишга эринадиганлардан. Бу шерикларни Жиззах вилояти Даштобод шаҳридаги мол бозорида ўғирланган новвосни сотаётганида қўлга олдик.

Дастлабки суриштирувда маълум бўлишича, Ш. Холбой бошлиқ гуруҳ Мирзаобод туманидаги қишлоқларда яшовчи фуқароларнинг ўндан ортиқ новвос, сигир ва бузоқларини ўғирлаб, худуддан анча олисда бўлган Деҳқонобод, Боевут, Даштобод шаҳарчаларидаги бозорларга олиб бориб сотган. Бу жиноий гуруҳни қўлга олишда вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакиллари, майор А. Қўқонбоев, капитан Р. Маматхонов ва Мирзаобод тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Д. Умрзоқовлар фаоллик кўрсатишди.

Ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги фуқаролар, қариндош-уруғларининг қорамолларини ўғирлаб, сотиб, яна ҳеч нарса бўлмаганда юрган М. Холбойнинг қилмиши ошкор бўлгач, ақинлари ва танишлари хайратдан ёқа ушлаб қолишди.

Назиржон Йўлдошев.

Сирдарё вилояти.

Марҳамат туманида яшовчи И. Икром нашофуршлик ортидан бойиб кетишни истаб қолди. Бунинг учун номаълум шахслардан гиёҳвандлик моддаси олишга ҳам эришди. Энди уни сотиш керак. Лекин қандай қилиб? Ахир, наша оддий мол эмаски. Кўчада бемалол харидор изланган. Бу ишнинг уйдасидан чиқа олмасди боши котди. Бироқ қандай қилиб булмасин харидор топиш лозим эди.

Икром дўч келган одамга молини тавсия этиш мумкин эмаслигини билгани учун маҳалладоши Дилшоднинг қўнглига қўл солди. - Озгина молим бор, олмайсанми? - сўради у йигитдан. - Қандай мол экан? - қизиқсиниб сўради Дилшодбек. - Йигит кишининг моли нима бўларди, наша-да? Дилшод бир сапчиб тушди. - Менга наша керак эмас. - Балки молини сотиб олишнинг учун зарурат йўқдир, лекин уни сенга сотишим шарт. - Тушунмадим, - хайрон бўлди Дилшод.

НАҒМАСИ ЎТМАГАН НАШАФУРУШ

10 грамм наша бор. Шунга оласан. Атиги бир миллион сўм берсанг бўлгани. Олмасанг ички ишлар бўлишини билмай, гарангисиб қолди. Яхшиямки, туман ички ишлар бўлими ходимлари унинг жониға оро қиришди. Улар Икромни Дилшодга 12,8 грамм гиёҳвандлик моддасини бир миллион сўмга сотаётганида қўлга олишди.

И. Икромнинг хонадонидан яна 368,4 грамм марихуана моддаси топилди. Олди-сотдининг антиқа усул



лини қўлламоқчи бўлган нашофурш суриштирув давомида ҳам юз-сизлик қилишга уринди. - Дилшод Омоновнинг мендан саккиз миллион сўм миқдорда қарзи бор эди, - деди у. - Пулни вақтида бера олмагани учун икки миллион сўм миқдорда устама фоиз тўлаши керак. Мен бир миллион сўминг ана шу пул ҳисобидан олаётган эдим. Нашадан хабарим йўқ.

Қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқ-тартирут ходимлари ҳаммасига оидинлик киритишди. Шундай қилиб, одамларни захри қотил билан таъминлаб, нафақат ўзгалар ҳаёти, балки жамиятга ҳам катта зарар етказишга уринган яна бир оғуфуршнинг қилмишига чек қўйилди. Т. ҚАЮМОВ, капитан. С. ХУСАНЗОДА. Андижон вилояти.

НИЯТИ ЧИППАККА ЧИҚДИ



Қўпчилик фойда кўриш учун ўзини ўтга, чўққа уради. Оилага қўшимча даромад келтириш ёмон эмас. Агар бунга ҳалол меҳнат орқали эришилса яхши, аммо қўнғир йўл танланса юзни шувут, эл орасида бошни ҳам қилади.

Амударёлик Ҳ. Фарҳод мўмай пул топишни қўзламаганда бугун суд курсисидега ўтирмаган бўларди. Бироқ у бу томонини ўйламади. ИПХ ходимлари йўлда тўхтатса чалғитиб ўтиб кетаман, деган хом ҳавлга берилди. У «Тошкент - Мангит» йўналиши бўйича катновчи «Мерседес-Бенц» ру-

ган Фарҳод ҳеч иккиланмай автобус юкхонасига қутиларни жойлади. Ҳиждувон туманига киревришида «Сармижон» ИПХ масканидаги ИХХБ ходимлари фойда кўзлаган Фарҳоднинг ниятини чиппака чиқаришди. Ўзбекистон Республикаси акциз маркази билан тамғаланмаган жами 4500 қути тамаки маҳсулоти мусодара қилинди. Ҳ. Фарҳод қилмиши учун суд ҳукми билан тегилши муддатга озоликдан маҳрум этилди. Мирзо АҲАД. Бухоро вилояти.

Ёшлик инсон учун бемахор нўмат. Аммо унинг қадрига ётмай, навқиронлик дамларини зулматга алмаштираётганлар ҳам афсуски, жамиятимизда учраб турибди.

Чироқчи туманилик С. Тўлқин кўнғир ишга қўл ураб экан, мўмай даромад топиш илнжиде хатто ҳаётини хавф остига қўйишдан ҳам тап тортмади. Яъни, у қилмиши оғир жиноят эканлиги ва сири фош бўлса, оқибати яхшиликка олиб келмаслигини билса-да, нафсининг қўлига айланди.

Томорқасига наша уруғини қадаган Тўлқин узукун униб чиққан ниҳоллар парвариши билан шуғулланди. Оғунинг оҳанграбоси уни ўзига ром айлаганди. Энди «ҳосил»ни сотиб, пуллаш навбати етганда оғуфурш оёғи қуйган товудек чор тарафга югургилаб қолди. Мақсади тезроқ харидор топса-ю, мўмай пулни қўлга киритса. Ўзи ўйлагандек, харидор уни излаб топди.



Фақат ўзаро нархни келишиши бироз вақт олди. Сотувчи қимматига, олувчи эса арзонига, дегандек, охири савдо пишди. Тўрт килограмм нашанинг ҳар килограмми бир ярим миллион сўмдан нархланди. Айни олди-

берди чоғида қутилмаганда тезкор ходимлар пайдо бўлиб, оғуфуршнинг қўлларига қишан урилди... Дилшод РАСУЛОВ, капитан. Қашқадарё вилояти.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ИИБ томонидан қуйдаги шахслар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

Илҳом Абдурахимович Джабборов. 1982 йилда туғилган. Янгийўл шаҳар нон заводи, 2-корпусда яшаган. 2010 йилнинг 3 февраль кўни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, қошлари қора, бурни катта, лаблари қалин. Алоҳида белгилари: чап қўл бармоғида «Д» ёзуви, бикин қисмида тўйма доғлари бор.

Кийимлари: қора куртқа, қора шим, оқ кроссовкада бўлган.

Севара Анваровна Рустомова. 1991 йилда туғилган. Янгийўл шаҳар Шодлик кўчаси, 96-уйда яшаган. 2007 йилнинг 9 декабрь кўни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи сарик, кўзлари мовий.

Кийимлари: қора куртқа, оқ кофта, тўқ кўк шим, қалишда бўлган.

Шахло Саидганиевна Абдувалиева. 1969 йилда туғилган. Янгийўл шаҳар Беруний кўчаси, 14-уйда яшаган. 2009 йилнинг 5 май кўни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 160-165 см, кўзлари, сочи қора, қўлоқлари катта, қошлари ёйсмон.

Алоҳида белгилари: қорин паст қисмида 4-5 см.ли чандиғи бор, жағ тепа қисмида 3та тиши сарик металлдан.

Кийимлари: қизил кофта; кўк жинси шим, қора туфлида бўлган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотта эга фуқаролардан Янгийўл шаҳар ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани ИИБ томонидан 1987 йилда туғилган, Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси, 20-уй, 19-хондонда яшаган Фахриддин Лукманович Бабаев жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрганлиги учун қидирилмоқда.



Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи, қўзлари, қошлари қора.

Ф. Бабаевни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотта эга фуқаролардан Пахтачи тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ИИБ томонидан қуйдаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

Аҳмадjon Қамчибекович Юлдашев. 1959 йилда туғилган. Янгийўл шаҳар Усмонобод кўчаси, 88-уйда яшаган.

Бекзод Аҳмаджонович Юлдашев. 1985 йилда туғилган. Янгийўл шаҳар Усмонобод кўчаси, 88-уйда яшаган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотта эга фуқаролардан Янгийўл шаҳар ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Самарқанд вилояти Ургут тумани ИИБ томонидан қуйдаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

Хусен Гаффарович Ибрагимов. 1954 йилда туғилган. Ургут шаҳар Суфён маҳалласи Чинор кўчаси, 134-уйда яшаган.



Белгилари: бўйи 170 см, қошлари, сочига оқ оралаган, кўзлари қора.

Ботир Қахрамонович Ахатов. 1977 йилда туғилган. Ургут шаҳар Суфён маҳалласи Навоийшох кўчаси, 45-уйда яшаган.



Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи, қошлари, кўзлари қора. Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотта эга фуқаролардан Ургут тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Table with 4 columns listing individuals and their details: 1. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририяти раҳбарияти ва жамоаси тахририят бўлим мудири Саъдулла Шодиевга онаси РУҲНИСА аянинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar. 2. Республика ИИБ Академияси фахрийлар кенгаши аъзолари ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Чори Саидовага онаси МАҲКАМ аянинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этадилар. 3. Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма бошлиғи, полковник Мирсамад Адилговга онаси Мирсаид АДИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этадилар. 4. Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Зарафшон шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник Азамат Уроқовга отаси Шоди УРОҚОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar. 5. Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Бошқарма ХКК ва ФРБ паспорт бўлини маси катта инспектори, майор Алишер Ҳожиёвга онаси РОБИЯ аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этадилар.

Сиз сочинган санъаткор

«САНЪАТ — УМРИМ МАЗМУНИ»

Атоқли санъаткор, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов билан суҳбат

Халқимизнинг ўз умрини санъатга бағишлаб, эл аро танилган, юксак ҳурмат-эҳтиром қозонган санъат даргалари билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Уларнинг номи республикамиздан ташқарида ҳам ҳурмат билан тилга олинади. Атоқли санъаткор, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов ана шундай табаррук инсонлардан биридир. У ўзининг қарийб етмиш йиллик ижодий фаолияти мобайнида театр сахнасида, кино ва телевиденида ранг-баранг роллар ижро этган, кўпчилигининг қалбидан жой эгаллаган ўлмас образлар яратган. Айниқса, санъаткорнинг Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари образлари миллионлаб томошабинларнинг олқишига сазовор бўлган.

Халқ артисти билан театр санъати, унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳусусида суҳбатлашдик.



— Зикир ака, кўпга машҳур актёрлар, устоз санъаткорлар билан бирга ижод қилгансиз. Улардан сабоқ олиб, маҳорат сирларидан воқиф бўлгансиз. Айни чоғда, ўз тажрибаларингизни шогирдларингиз ва издошларингиз билан ўртоқлашгансиз. Айтингчи, таниқли актёр сифатида санъат, ҳусусан, театр санъатининг инсон ва жамият ҳаётидаги ролини қандай баҳолайсиз? — Адабиёт, мусиқа, рассомчилик ва кўшмачилик сингари театр санъати ҳам, биринчи навбатда, ўзига хос, бетакор тарбия воситаси ҳисобланади. Чунки маҳоратли санъаткорлар томонидан яратилган юксак савиядаги ҳар қандай сахна асарлари ҳеч бир инсонни беэтибор қолдирмайди. Маромига етказиб ўйналган ҳар қандай спектакль томошабинни ўйлашга, мушоҳада юритишга ва ҳулоса чиқаришга ундайди. Бир сўз билан айтганда, театр санъати инсонни эзгуликка, олижанобликка чорлайди. У одамларни, айниқса, ёшларни маънавий етуликка, камолотга етакловчи омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада театр санъатининг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Шунинг учун ҳам театр санъатининг тарбия борасидаги аҳамиятини қадим-қадимдан эътироф этиб келинган. Театр дастлабки пайдо бўлган даврдаёқ уни инсон ҳаётидаги ўрни, аҳамияти ошиб борган.

— Ростдан ҳам, ички ишлар ходимларининг жиноятчиликка қарши курашдаги заҳматли, шу билан бирга, шарафли фаолияти ёритилган бу асар ниҳоятда муваффақиятли чиққан эди. Шу сабабли у 15 йилдан кўп вақт давомида сахнадан тушмади. Нафақат Республикамиз вилоятларида балки қўшни давлатлардаги театр иқлосмандлари эътиборига ҳам ҳавола этганмиз. Қувонарлиси, «Кузнинг биринчи кўни» спектакли томошабинлар томонидан ҳам жуда илқ кўтиб олинган, уларнинг олқишларига сазовор бўлган эди. Ҳақиқат, адолат қарор топган асарларни томошабинлар қизиқиб томоша қилишадими? — Ҳақиқат билан адолат курашган воқеалар ҳаётда учраб тургани боис ҳам театр иқлосмандлари қайта-қайта кўриб зериқиб қолмайди. Бундай спектакллар инсонни ўйлашга, ҳулоса чиқаришга ундайди. Назаринда, бугун ҳам ана шундай сахна асарларини, бадиий фильмларни янада кўриб яратиш керакка ўхшайди. Чунки



«Дилором» фильмида шох Баҳром ролда.



«Алибобо ва қирқ қароқчи» фильмида лавҳа.

ки эзгулик уруғи билан йўғрилган бундай асарлар ёшларимиз қалбиди инсонийлик, ҳалоллик, ватанпарварлик сингари фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. ... Яхши эслаймиз: Иккинчи жаҳон уруши даврида, аниқроғи, 1941 йил мен ҳарбий авиация заводида оддий ишчи бўлиб ишлардим. Муболага эмас, ҳар кеча-кундузда ўн саккиз соат тик оёқда туриб ҳарбий самолётлар ишлаб чиқаришга ҳисса қўшардик. Егулимиз эса ҳаминқадар эди. Театрда ишлаб юрган кезларимда ҳам ахвол шу даражада оғир эдикки, ҳатто юзи-

миздаги грим бўёқларини ювиш учун қозон тағига ўтин қалаб, сув иситардик. Бугунги улкан ўзгаришларни қаранг: мушаккуллик шарофати билан, қолаверса, Президентимиз ташаббусига кўра собиқ Ҳамза номидаги театр Ўзбекистон Миллий академик театрига айлантирилди. Шароитлар ҳам шунга яраша: ҳар бир актёрга алоҳида хона ажратилган. Хуллас, актёрларимиз самарали ижод қилишлари учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар мўжайё этилган. Шу боис, бугунги кунда театрда фаолият кўрсатаётган ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилсангиз арзийди.

— 2010 йил Президентимиз ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури асосида юртимизда кенг кўламли ва салмоқли ишлар амалга оширилмоқда... — Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва етук инсонлар бўлиб воёга етишига жиддий эътибор қаратилаёпти. Чунки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури изчиллик билан амалга таъбиқ қилинмоқда. 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши эса ўша ишларнинг узвий давоми бўлди. Шу ўринда келажакка умид боғлаб, унинг ворислари бўлган ёшларга ҳар жиҳатда қатъий эътибор берилаётган бизнинг давлатимиздан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Фарзандидан жонини ҳам аямайдиган халқ эканлигимизнинг ёрқин ифодаси бўляпти. Ҳар қандай жамиятда ҳам ёш ўғил-қизлар мамлакатнинг келажаги ҳисобланади. Модомки шундай экан, уларнинг чуқур биллиги олишлари, замонавий касбларни пухта эгаллашлари, жисмонан ва маънан етук инсонлар сифатида камол топишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш биз, катталарнинг муҳим вазифамиздир. Шу ўринда бугунги ёшларимизнинг озу мусалларини, келажак сари дадил одимларини ақс эттирадиган сахна асарлари зарур. Уларни фақат кино ёки видеофильмларга эмас, театрда ҳам жалб этишни кучайтиришимиз лозим. Токи улар театр санъатининг инсон ҳаётидаги ўрнини чуқур англаб етсинлар, театр қошоналари ёшларимиз билан ҳам тўлиб турсин. Ҳозирги кунда кўпга ўғил-қизларимиз ҳар жабҳада ютуқларга эришишадими. Айниқса, иқтидорли фарзандларимизнинг спорт ва санъатдаги муваффақиятлари таҳсинга сазовор. Бундай ёшларни кўриб, чин дилдан қувонам, фахрланмай бўладими, ахир. Иқтидорли, интилувчан, меҳнаткаш ва фидойи ёшларимиз бизнинг бахтимиз, истиқболимиз эмасми?! Бу сўзларни бекорга айтмаётганим йўқ. Яқинда Тошкент, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистонда бўлган ижодий учрашувларда катнашиб, бунга ўзим яна бир бор амин бўлдим. Таълим муассасалари, ҳарбий қисмларда бўлиб ўтган кўлма-кўз мулоқотлар менда унутилмас таассурот қолдирди. Тилгаим — ёшларимизни ана шундай иштиёқ ва халқимизга хос фидойилик тарқатмасин. Ҳамиша Ватанимиз равнақи йўлида муносиб ҳисса қўшаверишимиз.

Маҳмуд КАРИМОВ суҳбатлашди.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Кўй. Ишларингизни пухта режалаштириб, ҳаёт оқими бўйлаб сузаверинг. Қарабсизки, аста-секин ҳаммаси сиз истаганингиздек бўлади. Камтарлик инсоннинг зийнатидир. Буни ёдингизда тутсангиз, турли тушунмовчиликларга, низолабга дуч келмайсиз. Аммо камтар бўламан деб ўзингизни ерга уриб юборманг. Керак бўлганда ҳақингизни асосли равишда талаб қилинг.

СИГИР.

Турли шубҳа ва иккиланшлардан сўнг аниқ тўхтамга келишигиз лозим бўлади. Ўз ижодий имкониятларингиздан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилинг. Ҳозир ўз режаларингиз ва фикрларингизни қатъий билан ҳимоя қилишигиз керак. Агар кўнглингиз чопмаса, узоқ сафарга чиқманг, кўнглингиз торса, йўлга чиқаверинг. Булар-бўлмасга асабийлашаврманг, мақсад сари дадил интилинг.

ЭГИЗАКЛАР.

Ушбу ҳафтада ҳамкорларингиз билан муайян келишмовчиликлар юз бериши мумкин. Уларни бартараф эта олсангиз, бизнес соҳасида фойдали таклифни қўлга киритасиз. Яшаш жойингизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, бу ниятигизни ҳеч бўлмаса кейинги ҳафтага амалга оширмай туринг. Қарзларингизни, шу жумладан, маънавий қарзларингизни узишни унутманг. Яқинда кўни ажойиб саргузаштларни бошдан кечиришигиз эҳтимоли бор.

ҚИСКИЧБАҚА.

Ҳафта давомида дуч келган айрим қийинчиликларни осонгина енгиб ўтасиз. Бу жанговар руҳингизни янада кучайтиради. Сешанба кўни кимингидир тавсияси мавқеингизни анча оширади. Фақат унга қатъий эътиборингиз тўғрисида қўймайсиз. Ҳафта-нинг иккинчи ярмида сафарга чиқишигиз мумкин. Жума кўни мақсадингизга эришиш учун интизомли ва фидойи бўлинг. Шунда натижа кутганингиздан ҳам ортук бўлади.

АРСЛОН.

Юлдузларнинг жойлашуви бу ҳафтада энг яхши фазилатларингизни намоян этишигизга имкон беради. Илгари бошлаган ишларингизни ҳафта бошларида яқунлашга ҳаракат қилинг. Сўнг зиммангизга янги мажбуриятлар олмай туринг. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингизни қўлга олинг. Қизиқиб турганингизда но-жўя гапириб қўйсангиз, кейин узоқ вақт афсус чекиб юрасиз. Камроқ ҳаяжонлангиз, кўпроқ ўз кўнглигизга ишонинг.

БОШОҚ.

Анчадан буён сизни қийнаб келаятган муаммоларни ҳал этиш фурсати етди. Ишонганизда юз берган янги воқеалар гамгин ўй-хаёлларингизни тарқатиб юборади. Касб маҳоратингизни ошириш устида жиддий ўйлаб кўринг. Қадрдон дўстларингизнинг таклифларини баҳонидан қабул қилинг. Чунки бу таклифлар кейинчалик ҳаётингизда муҳим аҳамият касб этади.

ТАРОЗИ.

Назарингизда вазият чигаллашиб кетгандек туюлади. Юз бераётган воқеаларнинг моҳиятини англаб етишигиз учун сизга тинчлик-хотиржамлик керак. Амалингиз ошиси ёки хизмат сафарига чиқишигиз мумкин. Бошқаларнинг кўмагини рад этманг, чунки ўзингизнинг куч ва имкониятларингиз чекланган. Яқинларингиз билан жанжаллашманг. Муносабатларни яхшилаш кўп жиҳатдан ўзингизга боғлиқ. Пайшанба сиз учун энг қўлай кун.

ЧАЁН.

Мансаб пиллапояларидан юқорилашингиз мумкин. Мақсадингизга етишнинг усуллари бисёр. Муҳими — кучли хоҳиш бўлса бас. Душанба кўни кўп нарсага ўз меҳнатингиз тўғрисида эришасиз. Сешанба кўни низо-жанжалларга аралашиб қолишдан эҳтиёт бўлинг, ганимларингизнинг гап-сўзларига эътибор берманг. Яқиндада уйингиздан олисроқ жойда ҳордиқ чиқаришни маслаҳат берамиз.

ЁЙ.

Ўз вақтида жуда керакли ва фойдали ахборотга эга бўласиз. Энг муҳими — ундан самарали, оқилона фойдаланиш. Фирибгарларнинг тўғрига илминанг, булар-бўлмас, пуч ваъдаларга ишонаврманг. Эҳтиёткорликни кўлдан берманг. Шунда ишингизда муваффақиятларга эришасиз. Яқиндада кўни сизни ҳамкорларингиз билан фойдали учрашувлар кутмоқда.

ТОР ЭЧКИСИ.

Ҳамма ишингиз жойида бўлади. Фақат бир нарса сизга панд бериб қўйиши мумкин. Бу ҳам бўлса дангасалингиз. Уни енга олсангиз бўлди. Ўз гоёларингиз, режаларингиз ва лойиҳаларингизни дадил илгари сураверинг. Улар барча талабларга жавоб беради. Янгилик кашф этишга интилинг. Шунда ўзингиз ақлан ва маънан бойганингизни ҳис этасиз.

КОВҒА.

Келаятган ҳафта ҳар қандай кўринишдаги ижод учун қўлайдир. Душанба ва сешанба кўнлари эришган ютуқларингизни сарҳисоб қилиб, истиқболга мўлжалланган режалар тузасиз. Ана шу тахлил жараёнида ҳали барча имкониятларингизни ишга солмаганлигингизни тушуниб етасиз. Пайшанба кўни дўстларингизга ёрдам беришга ҳаракат қилинг.

БАЛИК.

Ишингиз анча осонлашади, демаски уйингизда, оила даврасида кўпроқ бўлиш имкониятигиз ошади. Душанба кўни режаларингиз вазиятга кўра ўзгариши мумкин. Пайшанба кўни арзимас хато-камчилигингиз учун ҳам жазоланишингиз мумкин, ҳеч қандай баҳонаю сабабингиз қабул қилинмайди. Яқинда кўни атрофингиздагиларнинг кайфияти сизнинг кайфиятигизга боғлиқ бўлади.

ВАТАННИ АНГЛАШ

Томирларимда бир ҳис уйғона бошлади. Кўнглим кенгликларидидаги туйғуларимнинг шодон қийқириғи мени бахтга етакларди. Мен англай бошлагандим...

Севинчларимнинг соҳир туйғулари саодатли кўнларни ҳаёт этишдан чарчамас, мен эса ҳаётларнинг гўзаллигига маҳлиб эдим. Мен севишни ўргана бошлагандим... Нурдан тупроққача бўлган сирли хилқатнинг маънисига тушуна бошладим. Нурнинг моҳиятини англадим, тупроқнинг баракасини, хокисорлигини севиб қолдим. Бир-бирини қўлаб юғурдиган шўх тўлқинларнинг, гулларнинг ифориини тортиқлаб ўйнайдиган шаббоданинг, Она Ермининг суваратини чизмоққа шайландим. Илк тасвирини нимадан бошлашни узоқ ўйладим. Қишда му-саввир қархатоннинг ҳомийлигида бетакорор гўзалликка айланган табиятнинг, баҳорда чўнонам гўнчалайдиган, ифори-

дан кўнги маст бўладиган гулларини, авжи саратонда полизда тарс-тарс ёрилиб иштаҳани қитқилайдиган қовуну тарвузларини, куз келганида ҳосили мўлғигидан қаддини кўтаролмай қоладиган бехиларини, қай бирини чизсам экан? Умрининг тўрт фаслини ҳам бекиёс мўъжизаларга тўлдираяётган бу қудратнинг исми нима? У қандай тасвирланади? Ўйлай-ўйлай ахирини атрофимдаги барча-барча нарсани шундайлигича юрагимга кўчириб қўя қолдим. Кўнглим кенгликларидида бир сурат пайдо бўлди. Шундай сўлим, шундай суйғули, кўрган-дагина эмас, эшитганда ҳам кишининг ҳаваси келадиган бу суратни «ВАТАН» дея номладим.

Умрининг такрорланмас лаҳзаларини бахтга тўлатиб, инжиқ кўнглимни аллалаб мени улғайтираётган муқаддас маъвом! Сен сабаб болалигим ўйноқлаб, қувнаб ўтди. Ҳозир уни эсласам ўша беташвиш, осуда дамларимга қайтим келамди. Уни кўмсайверман. ВАТАН! Сенинг борлигинг менга англаш, фикрлаш саодатини берди. Ўзимнинг келажагим ҳақида ширин хаёллар сура оламан, улкан орзулар қила оламан. Дўстларим даврасидаги беғуборликлар, шўхликлар ҳаётимни ёрқин рангларга белаёпти. Онам кучоғидаги ҳар бир осойиш лаҳзам, сирдош онларим сени севишга ундайверади... Гули НИГОР.



Жаннатмакон дидёрим

ЭЪЛОН
Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган ходимлари ва фахрийлари диққатига:
Республика ИИВнинг Тошкент вилояти Паркент тумани Гулбоғ кўрғонида жойлашган «Тартиб» номи узумчилик ва боғдорчилик ширкати ҳудудида сотиладиган ҳар бири 6 сотихли дала ҳовлилари мавжуд. Баҳоси келишилган нарҳда.
Мўъжазгина боғ яратмоқчи ва дам олиш кўнларини мароқли ўтказмоқчи бўлсангиз, шошилинг!
Мулоқот учун телефон: 585-10-05.

ДИҚҚАТ!
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидида «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»
Ўзбекистон Республикаси (8-371) 233-22-33
Ички ишлар вазирлиги (8-371) 233-39-39
Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-56-76
Тошкент шаҳар ИИББ (8-371) 232-03-30
Андижон вилояти ИИБ (8-374) 224-87-50
Бухоро вилояти ИИБ (8-365) 224-64-86
Жиззах вилояти ИИБ (8-372) 226-03-02
Навоий вилояти ИИБ (8-436) 223-06-71
Наманган вилояти ИИБ (8-369) 226-60-55
Самарқанд вилояти ИИБ (8-366) 233-00-00
Сирдарё вилояти ИИБ (8-367) 225-33-30
Сурхондарё вилояти ИИБ (8-376) 227-25-51
Тошкент вилояти ИИБ (8-371) 264-18-32
Фарғона вилояти ИИБ (8-373) 224-29-08
Хоразм вилояти ИИБ (8-362) 224-32-16
Қашқадарё вилояти ИИБ (8-375) 221-82-45
Транспорт ИИБ (8-371) 252-61-39
ИИВ ҳузуридидаги «Кўриқлаш» бирлашмаси (8-371) 236-23-70